

Бунёдкор ёшлар-2013

Компьютер билганга... МИНГ танга

ТАТУ талабалари республикаимиз бўйлаб ўқувчи ёшларга, аҳолининг кенг қатламига кўнгилли равишда компьютер сабоқларини ўргатишга киришди



Ахборот технологиялари асрида яшаётган эканмиз, дунёда бўлаётган шиддаткор ўзгаришлардан, тараққиётнинг мислсиз ютуқларидан ўз вақтида хабардор бўлиб боришни замоннинг ўзи такозо этмоқда. Бир сўз билан айтганда, замон билан ҳамнафас қадам ташлашимиз даркор. Бугун тараққиётдан бир қадам ортда қолсак, эртага унга етиб олишимиз жуда мушкул. Хўш, бунинг учун нима қилмоқ лозим? Жавоб оддий — ахборот-коммуникация технологияларидан яхши хабардор бўлишимиз керак. Ҳа, айнан шу соҳа бугунги кунда дунё миқёсида ривожланишни белгилаб берувчи муҳим омилга айланган.

Мамлакатимизда ҳам АКТ соҳасини омма орасида кенг тарғиб қилиш, айниқса, ёшларга компьютер саводхонлигини мукаммал ўргатишга алоҳида аҳамият берилаётгани замирида ҳам айни юқоридаги фикрлар мужассам. Бу борада қатор фармон ва қарорлар, фармойишлар ишлаб чиқилганки, улар ижросига оришмай амал қилишимиз эртанги тараққиётимиз кафолатидир.

Айни дамда республикаимиз бўйича, ҳатто чекка қишлоқларда ҳам, алоқа, компютер ва ахборот технологияларига ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари фаолият олиб бормоқда. Энг сўнгги русумдаги компютер техникалари билар қуролланган бу коллежларда ўқувчилар ИТ-мутахассислиги бўйича таълим олишмоқда. Аммо, ҳукуматимизнинг АКТ соҳасида олиб бораётган сиёсати бу билан чекланмайди. Мақсад — компютерда ишлаш кўникмасини кенг омма орасида тарғиб қилиш, аҳолининг барча қатламларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан бемалол тиллаша олишига эришиш.

2-бет

Алоқа оламида

Samsung \$12 миллиардга арзонлашди. Бунга асосий сабаб қилиб, Samsungнинг смартфонлар бозоридаги даромадлари камайиши тахмин қилинган кўрсатилмоқда.



Таҳлилчилар Galaxy S4 смартфонига талаб пасайиши ҳақидаги тахминларни эълон қилишлари билан, Samsung акциялари 6,2 фоизга тушиб кетган.

Арпленинг эски iPhoneларни янгиларига кичик сумма эвазига алмаштириб бериши ҳақидаги баёноти ҳам Samsung позициясига яхшигина зарба берган.

Таъкидлаш лозимки, шов-шувли тақдимотдан сўнг Samsung Galaxy S4 смартфонининг савдоси секинлашди. Бу ҳам етмаганидек, яқинда бўлиб ўтган Computex кўргазмасида энг яхши смартфон номини HTC One қўлга киритди.

Сўнгги янгилик!

Ушбу сонда:

- **Энг яхши интеллектуал мулк объекти учун танлов** **3**
- **Бу сизга "трали-вали"мас...** **4**
- **Ёзни фойдали машғулот билан ўтказ!** **5**
- **Абоненты Veeline выбрали победителя** **6**
- **Битирувчилар учун иш жойлари** **12**
- **Ахборот хуружи** **13**

Теледастурлар, спорт, сканворд

Umadan umagacha

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Президентимизнинг 2011 йил 27 май куни имзолаган "Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва таниқли шоира Саида Зуннуова хотирасига Тошкент шаҳрида хайкал ўрнатилиш тўғрисида"ги қарорига биноан барпо этилган ёдгорлик очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Маросим сўнгида хайкал пойига гулчамбарлар қўйилди.

Мамакатимизга ташир буюрган Буюк Британия Ташқи ишлар ва Ҳамдўстлик масалалари бўйича катта давлат вазири Саида Варси 12 июн куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида музокара ўтказди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболларига оид масалалар, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, Буюк Британия делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси, Республика Молля ва Мудофаа вазирликларида ҳам музокаралар ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Олий Мажлис Сенатининг Қонуничилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия биргаликда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш амалиёти ва истиқболларига бағишланган семинар ўтказди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Марказий банки ва "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишини ташкил этиш ва кенгайтириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Анжуманда қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишининг ҳуқуқий асослари ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари, уй-жойлар ва инфратузилма объектлари қурилишига сармояларни жалб қилиш борасидаги имтиёз ва преференциялар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Мирзо Улугбек тумани ҳокимлигида пойтахтимизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари учун "Очик эшиклар куни" ўтказилди. Тадбирда адлия органлари мутахассислари томонидан руҳсат беришга оид 80та тартиб-таомил, лицензияланиши талаб этиладиган 15та фаолият тури бекор қилинган, статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботлар шакллари ва даврийлиги қисқартрилган, давлат ва назорат қилувчи идоралар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасида электрон алоқа босқичма-босқич жорий этилаётганлиги қайд этилди.

Республика ёш томошабинлар театрида "Хар бир фарзандга меҳр, эътибор!" мавзусида маданий тадбир ўтказилди. "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жағмафаси томонидан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этиди. Тадбирда пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 2-мурувват уйи тарбияланувчилари иштирокида сахналаштирилган бадиий-мусликий дастур намойиш этилди. Болаларга совғалар улашилди.

(Давоми. Бошлангиши 1-бетда.)

Тўғри, бугун компьютер техникаси кириб бормаган корхона ва ташкилот ёки хонадон йўқ ҳисоб. Ноутбук ва нетбуқлар ҳам анча оммалашган. Мактаб ўқувчилари у ёқда турсин, тили энди чиққан болакай ҳам ком-

пютердан унумли фойдаланиш, худудларда яшайдиган аҳолининг компьютер саводхонлигини ошириш ва уларга интернетдан фойдаланишни ўргатиш мақсад қилиб олинган.

Фармойишда "Республика худудлари мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар коллежлари ва академик ли-

чи мулоқот ва унинг аҳамияти, Ахборот хавфсизлигини таъминлаш, Электрон тижорат тизимлари... Рўйхатни яна узок давом эттириш мумкин.

Пойтахтимиздаги Алоқа касб-хунар коллежида бўлганимизда, ТАТУ касбий таълим факультетининг 3-босқич талабалари Шерзод Дадамухаммедов ва Шерзод Абдуллаев коллежининг компьютер синфида ўқувчилар билан машғулотлар олиб бораётганининг гувоҳи бўлдик.

— Университетнинг

Бунёдкор ёшлар-2013

Компютер билганга... минг танга

ТАТУ талабалари республикамиз бўйлаб ўқувчи ёшларга, аҳолининг кенг қатламига кўнгилли равишда компьютер сабоқларини ўргатишга киришди

потерни ёқиш тугмачаси қаердалигини билади ва бундан хайратланмаймиз. Компютер кириб борган жойда эса интернетнинг бўлиши ҳам табиий. Шахсий компютери бўлмаганлар бемалол қўл телефони орқали глобал тармоққа улашни имкониятига эга... Фақат бир муаммо мавжуд: бугун биз компютердан ва интернет имкониятларидан қандай мақсадда фойдаланимиз? Компютер бу — техника мўъжизаси. Унга фақатгина матн териш ва чоп этиш қурилмаси сифатида қараш жуда ноўрин. Интернет ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин — ундан тўғри мақсадда фойдаланишни билишимиз керак. Айниқса, глобал тармоқнинг салбий оқибатларидан фарзандларимизни ҳимоя қилишимиз бугун энг долзарб масалалардан бирига айланган. Ушбу масаланинг қайси йилларда ҳал қилинишига аҳолининг компютер саводхонлиги даражасига боғлиқ. Чунки, оиладаги катталар, айтиқса, уй бекалари компютердан, интернетда ишлашдан яхши хабардор бўлса, фарзандларини ҳам тўғри мақсадлар сари йўналтира олади. Бундан ташқари, компютерни яхши билган инсон замон талабиди мутахассисга ҳам айланади.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси аҳолининг компютер саводхонлигини ошириш борасидаги ҳукумат сиёсати, икки йилдириқ, ўзига хос лойиҳа асосида салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Лойиҳани амалга оширишда Тошкент ахборот технологиялари университетининг юқори босқич талабалари бевосита ёрдам бермоқда. Яъни, 3 ва 4-босқич талабаларидан иборат кўнгилчилардан ташкил топган Бунёдкор ёшлар гуруҳи жойларга чиқиб, университетда олган билимларини кенг оммага ўргатишти. Жорий йилги мавсумда ушбу зғу ағъанани ўтган йилгидан ҳам кенгроқ миқёсда амалга оширишга киришилди. Бу борада қўмитанинг "Бунёдкор ёшлар-2013 — Компютер саводхонлиги ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши эълон қилинди. Фармойишда республика худудларида истиқомат қилаётган ёшларнинг, соҳага бириктирилган касб-хунар коллежлари ўқувчилари ва ТАТУ талабаларининг ёғи таълимини самарали ташкил қилиш, уларнинг бўш вақтла-

рлар ёшлари ва аҳолининг интернет тармоғида ишлаш ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича билимини ошириш ўқув дастури"ни амалга ошириш кўзда тутилган. Дастур бўйича ТАТУ ва худудий филиаллари томонидан ўқув курсларини ўтказиш жад-

ахборот-кутубхона тизимлари йўналишида ўқиймиз, — дейди Ш. Дадамухаммедов. — Бунёдкор ёшлар-2013 лойиҳасидаги компютер саводхонлиги ўқув курсларида иштирок этишимиз олийгоҳда олган назарий билимларимизни амалиётда мустаҳкамлашда катта ёрдам бўлади. Ўзингдаги бор билимини ўзгалар билан баҳам қўриш, ўқувчиларга ўргатиш масъулиятли бўлиш билан бирга жуда завқли ҳам экан. Коллеж ўқувчилари анча тиришқок, кўп нарсани билишни хошлашади. Айниқса, ахборот технологиялари, компютер дастурлари, ички қурилмалари, дастурий махсулотлар, ахборот хавфсизлиги, электрон кутубхона ҳақидаги саволларга қўйиб ташлашади. Уларнинг бу интилишлари бизни ишимизга янада масъулият билан ёндашишга ундамоқда.

Республикамиздаги коллежларда 5 июндан компютер саводхонлиги ўқув курсларининг биринчи навбати бошланган. Унда 229 нафар талаба иштирок этапти.

вали ишлаб чиқилди ва Бунёдкор ёшлар-2013-Компютер саводхонлиги ўқув курсларида иштирок этадиган иштирокчи талабалар танлаб олинди.

Бу йил Компютер саводхонлиги ўқув курсларига университетнинг ахборот технологиялари ҳамда касбий таълим факультетлари талабалари жалб этилди. Ахборот технологиялари факультетидан 176 нафар, касбий таълим факультетидан 53 нафар ва ТАТУ филиалларидаги талабалардан иборат жами 481 йилги-қиз республикамиздаги юзга яқин коллежларда икки навбатда машғулотлар ўтишди. Биринчи навбат машғулотлари университет талабалари томонидан олиб борилса, иккинчи навбат машғулотларига ТАТУнинг худудий филиаллари талабалари жалб этилди.

Улар жойларда тенгдошларига, ака-укаларига, опа-сингилларига ТАТУда олган билимларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан имкон қадар ўргатишади. Ўқув дастурига киририлган машғулотлар жуда қизиқарли. Ахборот ва унинг аҳамияти, Компютер ва уларнинг турлари, Алоқа воситалари ва мобил алоқа технологиялари, компютер тармоқлари ва уларнинг аҳамияти, Интернет тармоғи, хизматлари, ресурслари ва уларнинг аҳамияти, Электрон почта хизмати имкониятлари, Интернетда ахборот кидирув тизимлари, Интернет орқа-

— Бугун ҳеч бир соҳани компютерсиз тасаввур қилишимиз мушкул, — суҳбатга қўшилди Ш. Абдуллаев. — Автоматлаштирилган иш ўрни атамаси аллақачон бизнинг ҳаётимизга ҳам ўрнашиб улгурган. Компютерни билган одам учун бу бир муқаммаллик, қўшимча имтиёз. Ука-сингилларимизга билганларимизни ўргатиш асосида ушбу соҳани танлаб янглишмаганимизга яна бир қарра амин бўлдик.

— Ўқув курслари дастуридан нафақат ўқувчиларни, балки аҳолининг бошқа қатламларини ҳам ўқитиш кўзда тутилган. Улар орасида компютер тўғрисида умуман тушунчага эга бўлмаган ёки унга қизиқмаганлар ҳам бўлиши мумкин. Ундайларга ниманидир ўргатиш, табиийки, анча мушкул. Бундан чўчимаёйсизларми? — дея савол бердим. Талабаларнинг иккисини ҳам бир хил жавоб берди: "Бу бизни чўчитмайди! Керакли билимга эга бўлган инсон қийинчиликлар олдида довдираб қолмайди. Бундан ташқари, қилаётган ишимизнинг эзгулигини биламиз. Тасаввур қилинг, бугун ёш болаларнинг аксарияти компютерни билади. Ота-оналари-чи? Фарзандлари олдида билимсиз қўриниб қолишмаёптимикин улар? Айнан шундай ота-оналарга ёрдам беришга тайёрмиз".

Уларнинг жавобидан беҳад хурсанд бўлдик. Омад сизга, Бунёдкор ёшлар!

Усмонжон Йўлдошев,
"Xabar" мухбири

Yangi intellekt-2013

ЭНГ ЯХШИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТИ УЧУН ТАНЛОВ



Инновацион технологиялар ва илмий-техникавий ишланмаларнинг мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутишини алоҳида изоҳлашга ҳоҷат бўлмаса керак. Бугунги кунда бутун дунёда интеллектуал мулк — энг катта бойликка айланиб бормоқда. Ривожланган мамлакатларнинг иқтисоди ва турмуш фаровонлиги кўп жиҳатдан айнан интеллектуал салоҳият эвазига қурилмоқда. Мамлакатимизда ҳам инсон ақл-заковати ёрдамида қўлга киритилган бойликлар, рационализаторлик таклифлари, ихтиролар, илмий ва дастурий маҳсулотлар муаллифларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Яқинда Интеллектуал мулк агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси биргаликда республикада ихтирочилик ва илмий-техникавий ижодиётни рағбатлантириш, инновацион фаолиятни ривожлантириш, янги техника, технология ва рақобатбардор маҳсулотларни яратишга қўмаклашиш, илгор технологияларни татбиқ этиш, ихтирочилик фаолиятини фаоллаштириш, уларни қўллаб-қувватлаш, энг яхши интеллектуал мулк объектларини аниқлаш ва ҳуқуқ эгаларини мукофотлаш мақсадида ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси, дастурий маҳсулотлар йўналишлари бўйича "Yangi intellekt-2013" энг яхши интеллектуал мулк объекти учун йиллик танловини эълон қилди.

ЎТКАЗИЛИШ ТАРТИБИ

Танловга топширилган интеллектуал мулк объектларини баҳолаш ва барча номинациялар бўйича ғолибларни аниқлаш учун танловнинг Ташкилий қўмитаси ва Комиссиялари тузилган.

Танлов куйидаги босқичларда ўтказилиши белгиланган:

1-босқич: жорий йилнинг 27 майдан 30 августига қадар талабномалар қабул қилиши;

2-босқич: 15 сентябрга қадар Ташкилий қўмита ва Танлов комиссиялари томонидан танлов аяқлари бўйича хулоса чиқариши;

3-босқич: октябр ойида танлов ғолибларини мукофотлаш маросимини ўтказиши.

НОМИНАЦИЯЛАР

Танловда куйидаги номинациялар бўйича иштирок этиш мумкин:

- энг яхши ихтиро;
- энг яхши фойдали модел;

- энг яхши саноат намунаси;
- энг яхши дастурий маҳсулотлар.

Таъкидлаш лозимки, танловга охирги уч йил ичида Ўзбекистон Республикаси патентини олган интеллектуал мулк объектлари ҳамда миллий ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган дастурий маҳсулотлар қабул қилинади. Аммо, аввал бўлиб ўтган танловларда совринли ўринларни эгаллаган лойиҳалар ушбу танловда иштирок эта олмайди.

БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Танловга тақдим қилинган объектларни баҳолаш уларнинг турларини ҳисобга олган ҳолда куйидаги мезонлар бўйича амалга оширилади:

а) ихтиролар ва фойдали моделлар учун:

- энергия ва ресурсларни тежаш, замонавий технологиялар ва янги материаллардан фойдаланиш;
- экологияга мослиги (атроф-муҳитни химоялаш бўйича масала ва муаммоларни ечиш);
- ижтимоий аҳамияти (меҳнат шартларини яхшилаш);
- объектни ишлаб чиқиш даражаси (фойдаланишга тайёрлиги: синов-саноат ёки дастлабки намуна, лаборатория макет намунаси);

- экспортга мўлжалланганлиги;
- импортнинг ўрнини босиши.

б) саноат намунаси учун:

- тижорат қиймати (патент эгалари ҳуқуқларидан фойдаланиш ҳажми);
- экспортга мўлжалланганлиги;
- импортнинг ўрнини босиши;
- оригинал ташқи кўриниши;

в) дастурий маҳсулотлар учун:

- функционаллиги;
- тугатилганлиги;
- мосланиши;
- созланиши;
- импортнинг ўрнини босиши;
- экспортга мўлжалланганлиги.

МУКОФОТЛАР

Танловда барча номинациялар бўйича совринли 1-3 ўринларни эгаллаган танлов ғолиблари куйидаги миқдорда пул мукофотлари билан тақдирландилар:

- 1-ўрин: 3 000 000 сўм;
- 2-ўрин: 2 000 000 сўм;
- 3-ўрин: 1 000 000 сўм.

Ғолибларга ва танловда иштирок этган бошқа иштирокчиларга танлов ташкилотчиларидан эсдалик совғалари ҳамда махсус статуэтка топширилади.

ФАКТ

2012 йилда мамлакатимиз ҳудудида интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича 6000дан ортик талабнома келиб тушган. Шу жумладан, 511та ихтиро, 183та фойдали модел, 179та саноат намуналари, 5303та товар белгилари, 278та дастурий маҳсулотлар ҳамда маълумот базалари, саккизта селекция ютуқлари, иккита товар келиб чиққан жой номлари бўйича ишланмалар қабул қилинган ва рўйхатдан ўтказилган.

ФИКР

Танлов ташкилотчиларининг фикрича, "Yangi intellekt-2013" танлови республикамизда илм-фан ҳамда инновацион фаолиятни янада ривожлантиришга, янги ғоялар ва дастурий маҳсулотларни омалаштириш ҳамда иқтидорли мулк эгаларини рағбатлантиришга муносиб ҳисса қўшади.

Ўз мухбиримиз

ШОНЛИ ЙЎЛ

1998 йил

17 декабр. Президент Ислам Каримов "Радиочастота спектри тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

1999 йил

6 апрел. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Дўрмон қароргоҳида Япониянинг "Кейзай Доюкай" корпоратив раҳбарлар уюшмаси президенти Коичи Минагучи раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Учрашувда япониялик меҳмонларга хусусийлаштириш, коммуникация ва таълим соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш таклифи илгари сурилди.

20 август. Президент Ислам Каримов "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

8 ноябр. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэминнинг таклифи биноан давлат ташифи билан Хитойга келди.

Ўзбекистон раҳбарини расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ислам Каримов билан Цзян Цзэмин ўртасида юзма-юз суҳбат бўлиб ўтди. Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида эса Ўзбекистон билан Хитой ўртасида телекоммуникация, транспорт, сайёҳлик, савдосотик, таълим ва қатор бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўрилди.

Музокаралар ниҳоясида икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ва ХХР ўртасида дўстона ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш тўғрисидаги қўшма баёнот ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан ХХР ўртасида экстрадиция тўғрисидаги битимга имзо чекди. Шунингдек, телекоммуникациявий алоқа, ақлий мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, Хитой томонидан Ўзбекистонга имтиёзли кредит бериш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар қабул қилинди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов фаолият хроникаси" китобдан

Paynet тўловлар тартибига ўзгартириш киритди

UzPaynet тизими яқиндан бошлаб фақат 500 сўмга яхлитланган тўловларни қабул қилишни бошлаган, дея хабар таркатди MobInfo.uz.

Тизим орқали 1000, 1500 каби тўловларни амалга ошириш мумкин, аммо энди алоҳида 800 ва 1200 каби тўловларни қабул қилмайди. Фойдаланувчи яхлитланмаган суммани (масалан, 1600 сўмни) тўламоқчи бўлса, тизим хатоликни қайд этади ва тўлов ўтмайди.

UzPaynet хизмати маълумотига кўра, хизмат агентларига кунига 50тагача яхлитланмаган суммаларни қабул қилиш

бўйича лимит белгиланган. Лимит тўлганидан сўнг шохобча эгалари фақатгина яхлит тўловларни қабул қила олишади.

Компаниянинг изоҳ беришича, ушбу амалиёт бир қатор агентлар томонидан фойдаланувчиларнинг пулларини ноқонуний равишда ўзлаштириш ҳолатлари қайд этилгани сабаб, фойдаланувчиларнинг илтимосларидан келиб чиқиб, жорий этилган.

Маълумот ўрнида: мамлакат бўйлаб UzPaynet шохобчалари сони 25 мингдан ошди. Ҳар куни UzPaynet орқали 2 миллионга яқин тўловлар амалга оширилади.

Маънавият соатлари

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясида инспекция Маънавият ва маърифат кенгашининг иш режаси ҳамда Республика Маънавият тарғиботи маркази Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туман бўлими томонидан тақдим этилган қарор ва баёнларга мувофиқ саккизта давра суҳбатлари ўтказилди.

Режаларда белгиланган тадбирлар бошланишидан олдин инспекциянинг Маънавият ва маърифат кенгаши раиси — инспекция бошлиғи Ф.Умарходжаев ишчи-ҳодимларга ўтказиладиган мавзуларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб бериб, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда эришилаётган ютуқлар, жумладан, республикамизда фуқароларнинг ҳаётини яхшилашга қаратилган қонун ва

қарорлар ижроси, янги технологиялар, иқтисодиётнинг ривожланиши, 2012 йил декабр ойда эълон қилинган "2013 Обод турмуш йили Давлат дастури"нинг мазмун-моҳиятини ҳамда соҳамизни ривожлантиришда барчамиз долзарб ва керакли йўналишларга ўз хиссамизни қўшиб, аниқланган камчиликларни бартараф қилишда эътиборли бўлишимизни таъкидлаб ўтди.

Давра суҳбатларида инспекция бошлиғи, ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари, муҳандислар, инспекторлар ва бошқа мутахассислар иштирок этдилар.

Жорий йилнинг апрел ва май ойларида "Suiqasd" махсус филми ҳамда Ўзбекистон телерадиокомпанияси томонидан тайёрланган "Oloq qalbmizda" номли хужжатли филм ҳодимлар эътиборига ҳавола этилди.

Маърузалар ва намойиш этилган филмларда мавзулар таъсирчанлиги инспекция ҳодимларида катта таассуротлар қолдирди.

Раҳимжон ИРМАТОВ,
Махсус ишлар бўлими
етақчи муҳандиси

Машғулот қизиқарли бўлди

Ўзбекистон алоқа ҳодимлари касабаси уюшмаси марказий кенгаши ташаббуси билан соҳа бирлашган касабаси уюшмаси қўмиталари томонидан жорий йилнинг 12 июн куни Алоқа тарихи музейида Тошкент шаҳар қорхона, ташкилот ва муассасалари бошланғич касабаси уюшмаси ташкилотлари раислари ва фаоллари учун ташкил этилган навбатдаги "Касабаси уюшмаси куни" ва "Маънавият соати" ўқув машғулотлари кун тартибига долзарб мавзулар киритилгани боис жуда қизиқарли ўтди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2013 йил 9 майда Хотира ва Кадрлаш куни муносабати билан сўзлаган нутқининг мазмун-моҳиятига қаратилган мавзу юзасидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси сиёсий шарҳловчиси Қобилбек Каримбеков маъруза қилди. Маърузачи мамлакатимиздаги тинчликнинг барқарорлиги, мустақиллик даврида эришилган ютуқлар, миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик, изчил ислохотлар боис эришилаётган ривожланишлар ҳамда ёшлар онгига миллий кадрларни синдириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш кабилар тўғрисида сўз юритди.

Ўқув машғулотига "Иш берувчи томонидан ҳодимнинг соғлиғига етказилган зарарни тўлаш тартиби ҳамда аёллар, ёшларга белгиланган қўшимча кафолат ва имтиёзлар" тўғрисида Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бўлим mudiri Нозима Сулаймонова сўзга чиқди. У тингловчиларнинг қорхоналарда рўй берган ноҳуш ҳолатлар бўйича иш берувчи ва ҳодим ўртасидаги муносабатлар, имтиёзли нафақага чиқиш тартиблари борасидаги саволларига ҳуқуқий далиллар асосида атрофлича жавоб берди.

Шунингдек, ўқув семинарда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳаси бўйича Республика бирлашган касабаси уюшмаси қўмитаси етакчи мутахассиси С.Абдуғаниев шу йил июл ойининг биринчи 10 кунлиги давомида ўтказилиши режалаштирилган соҳа спартакиадасини ўтказиш тартиби тўғрисида батафсил тушунтириш берди. Шундан сўнг, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳаси бўйича Республика бирлашган касабаси уюшмаси қўмитасининг ташкилий ишлар бўйича етакчи мутахассиси Р.Тўраева жорий йилнинг июн ойида ўтказиладиган "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танловини ташкил этиш борасида тегишли хужжатларни (20 июнга қадар) расмийлаштириш тартиби тўғрисида тушунтириш ҳамда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши Раёсатининг 2013 йил 30 апрелдаги 11-1-қарори ҳамда Ўзбекистон алоқа ҳодимлари касабаси уюшмаси марказий кенгаши Раёсатининг 2013 йил 10 майдаги 12-30 "о" сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида тизимдаги бошланғич касабаси уюшмаси ташкилотларида ўтказиладиган ўрганиш ва кўрсатиладиган амалий ёрдам ҳақида гапирди.

Ўқув машғулотни Ўзбекистон алоқа ҳодимлари касабаси уюшмаси марказий кенгаши раиси ўринбосари Э.Юсупов бошқарди.

Шавкат МАҲАМЕДОВ,
Хизмат кўрсатиш ва ўқув муассасалари соҳа Республика бирлашган қўмитаси етакчи мутахассиси



Универсиада-2013 веб-сайти

ТАТУ Қарши филиали ёшлари томонидан яратилди

Яқинда Бухоро шаҳрида олий таълим муассасалари талабалари иштирокида Универсиада спорт мусобақаси ўтказилди. Унда талаба ёшлар спортнинг ўндан ортиқ тури бўйича куч синашиб, бор маҳоратларини намойиш этдилар. Беллашуларнинг қизиқарли ва кескин баҳслар остида ўтганлиги спорт мусобақалари ҳақидаги маълумотларни ўзида акс эттирган "UNIVERSIADA.UZ" веб-сайтига ташриф буюраётганлар сонининг кундан-кунга ошиб бораётганлигида ҳам намойиш бўлмоқда.

Эътиборли томони, Универсиада-2013 спорт мусобақалари муносабати билан интернет тармоғида ўзбек тилидан ташқари яна тўққиз тилда — рус, инглиз, немис, француз, италян, испан, корейс, япон, хитой тилларида "UNIVERSIADA.UZ" сайти ташкил этилган эди.

Кўпчилик Универсиада-2013 сайтининг Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали профессор-ўқитувчилари, иқтидорли талаба ёшлари томонидан ташкил этилиб, фаолият юритганини билишмаса керак.

— Қизиқарли ва юқори савияли дизайнда тайёрланган сайтга 8 июн кунининг биринчи ярмигача 56 мингга яқин фойдаланувчи ташриф буюрди, — дейди ТАТУ Қарши филиали "Информатика ва ахборот технологиялари" кафедраси ўқитувчиси Жасурбек Шеров. — Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур фойдаланувчилар орасида нафақат юртимиз, балки АКШ, Австрия, Германия, Хитой, Испания, Чехия, Италия ва 40дан зиёд бошқа давлат вакиллари ҳам ташриф буюришди. Сайт материаллар билан мунтазам

тўлдириб келинаётгани туфайли кундан-кунга ундан фойдаланувчилар сони ошиб борди. Хусусан, жорий йилнинг 5 июн куни сайтда 4660 нафар фойдаланувчи ташриф буюрган бўлса, 6 июн куни 10 минг 850 нафар, 7 июн куни 17 минг 216 нафар, 8 июн куни эса 22 минг 787 нафар фойдаланувчи сайт материаллари билан танишган.

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилган Универсиада мусобақаларига тайёргарлик эрта бошланган эди. Йил бошида ТАТУ Қарши филиали профессор-ўқитувчилари ҳамда иқтидорли талаба ёшларга нуфузли мусобақанинг сайтини яратиш вазифаси юклатилган эди. Филиал директори Одилбек Турғунов сайтни яратишда ишчи гуруҳи раиси этиб тайинланди. "Информатика ва ахборот технологиялари" кафедраси малакали мутахассислари, иқтидорли ёшлардан Бекзод Очиллов, Фарход Остонов, Сухроб Абдуллаевлар саралаб олинди. Катта тайёргарликдан сўнг мусобақа веб-сайтни ўзининг кенг камровли маълумотларини ўзида акс эттириши ва ташриф буюрувчиларнинг қизиқишларини ошира олиши эътиборга олинди. Шу билан бирга, дунёнинг кўп минг сонли аҳолиси сўзлашадиган тилларга ҳам маълумотлар базаси юкланадиган бўлди. Бунинг учун Жоман тиллари университети, Шарқшунослик институти талабалари, таржимонларининг ёрдами ҳам қўл келди.

Универсиада веб-сайтининг аҳамияти томонлари шуки, унда видеороликлар, тасвирлар онлайн тартибдаги хабарларнинг акс эттирилиши эътиборга тушди. Натижада спорт мавзусини, ёшлар ҳаётини акс эттирувчи яна бир сайт юзага келди. Универсиадалар оралиғида ҳам сайт янада бойитилиб, кейинги мусобақаларга кўриладиган ҳозирлик ишлари билан қизиқувчилар танишиб боришлари мумкин.

Афтоядил ИСМОИЛОВ



Ёшлик ва гўзаллик байрами

Бухоро шаҳрида "Универсиада-2013" спорт мусобақаларининг финал босқичи бўлиб ўтди. Ушбу мусобақалар нафақат Ўзбекистон спорти ҳаётида катта воқеа, балки барча жабҳаларда эришаётган ютуқлари билан Ватанимиз шарофтини улуглашга қодир ёшларимизнинг том маънодаги ёшлик ва гўзаллик байрамига айланди.

Мамлакатимизда олтинчи бор ўтказилган Универсиадада кўплаб янги рекордлар ўрнатилди. Бу келажақда Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида Ватанимиз байроғини баланд кўтаришга қодир спортчилар захирасида иқтидорли ёшлар сафи кенгайиб бораётганининг яна бир далилидир.

Мусобақада энг кўп медал жамғариб, биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри жамоаси юксак мукофот — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг

"Универсиада-2013" спорт ўйинлари катнашчиларига табригининг асл нухаси ва Президент совғаси — "Дамас" автомобили билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган Самарқанд ва Андижон вилоятлари жамоаларига Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси — "Дамас" автомобиллари топширилди.

Мурасиз курашлар остида ўтган мусобақаларда алоҳида маҳорат кўрсатган, ирода ва ғалабага интилишини намойиш этган, тенгқурлар орасида юқори натижаларга эришган бир гуруҳ спортчи-талабалар махсус совринларга сазовор бўлишди.

Бухородаги Универсиада беллашувларида маҳорат кўрсатган спортчи ёшларнинг аксарияти энди Жаҳон универсиадасида катнашади. Шу йилнинг 6-17 июл кунлари Россиянинг Қозон шаҳрида ўтадиган ушбу нуфузли мусобақада саксон нафар спортчидан иборат Ўзбекистон спорт делегацияси спортнинг ўн тўрт тури бўйича ғолиблик учун куч синашади.

Олий ўқув юрлари талабаларининг навбатдаги универсиада мусобақасига Фарғона мезбонлик қилади.

Янги чемпион

Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари коллежи спорт мажмуасида ОАТ "Алоқабанк"нинг Бош банк, Амалёт бошқармаси ва худудий филиаллари аёллар жамоалари ўртасида волейбол бўйича аънанавий турнир бўлиб ўтди.

Мусобақада жамоалар тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда чорак финал йўлланмалари учун кураш олиб боришди. Ўз гуруҳларида биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар ғолиблик учун ўзаро баҳс олиб бориб, қуйидаги натижаларга эришдилар:

Чорак финал

"Фарғона" — "Қорақалпоғистон" — 1:2
"Навоий" — "Тошкент-2" — 2:1
"Сурхондарё" — "Қашқадарё" — 2:0
"Тошкент-1" — "Қўқон" — 2:0

Ярим финал

"Навоий" — "Қорақалпоғистон" — 2:0
"Сурхондарё" — "Тошкент-1" — 2:0

Финал

"Сурхондарё" — "Навоий" — 2:0



Эътибордиси, уч йил давомида биринчилиكنи қўлдан бермай келаётган пойтахтликларнинг "Тошкент-1" жамоаси бу йил "Сурхондарё" жамоасига ярим финалда имкониятни бой берди.

Ҳа, бу йилги мусобақа янги чемпион ва совриндорларни кашф этди. Совринли ўринларни эгаллаганларга қимматбахш совғалар топширилди ва алоҳида ўрнатилган жамоа ва ходимларга 10та номинация бўйича совғалар топширилди. Турнирда Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси ходимлари ҳам иштирок этиб, ўзларининг махсус совғаларини мусобақада алоҳида ўрнатилган кўрсатган катнашчиларга тақдим этди.

MUTAXASSIS MINBARI

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Жамиятда ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини билиши ҳаётда учраб турадиган муаммоларни ечишда ишончли қалқон ҳисобланади. Баъзан ҳаётда ҳуқуқшунос хизматидан фойдаланишга тўғри келади. Аммо, одатда фуқаролар ҳуқуқшуноса бошига мусибат тушганда ёки бирор бир ҳаётий муаммони ечолмаганда охириги имконият сифатида мурожаат қилишади. Аслида ҳар бир инсон ҳуқуқий соҳада учрайдиган муаммоларга тийрак нигоҳ билан қараш учун ёнида яқин маслаҳаттўйин бўлгани фойдадан холи эмас.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгашининг жорий йил 26 январдаги ҳамда Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кенгаши Раёсатининг 8 февралдаги қарорлари билан эндиликда касба уюшмалари фуқароларга ҳуқуқий маслаҳат берувчи ҳуқуқий маънодаги ташкилотга айланди. Мазкур қарор ва низомига асосан Касба уюшмаларининг юридик хизмати тўғрисида низоми, Касба уюшмаларида мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ҳамда ушбу йўналишда бажариладиган ишлар бўйича йиллик (чораклик) маълумот (ҳисобот)ларнинг бутунлай янги таҳриридаги шакллари тасдиқланди.

Албатта, бу мамлакатимиздаги ҳар бир касба уюшмаси аъзоси ўз ҳуқуқий онгини янада ошириб боришига, уларнинг текис ҳуқуқий маслаҳат олишларига кенг имкониятлар яратди. Бундан кўринадики, касба уюшмаси юриконсултининг асосий вазифаси — фуқароларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини химоя қилиш билан бирга, эндиликда текис ва беғараз ҳуқуқий маслаҳат берилишида янги даврни бошлади. Фақат иш касба уюшмаси юриконсулти фаолият доирасига кирса бўлди.

Юқорида тасдиқланган Низом ва Тартибга асосан эндиликда касба уюшмалари тизимидаги жисмоний ва юридик шахсларга амалий ёрдам кўрсатилиши йўлга қўйилди. Шу жиҳатдан юридик хизмат ходимига қуйидаги вазифаларни амалга ошириши белгилаб қўйилди:

1. Касба уюшмаларининг ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида бевосита катнашиш;
2. Касба уюшмалари аъзолари ва ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишда, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва моҳиятини уларга етказишда катнашиш;
3. Касба уюшмалари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликни таъминлашга қўмаклашиш;
4. Касба уюшмалари аъзолари ва фуқаролардан тушган мурожаатларни кўриб чиқиш;
5. Судларда ва бошқа идораларда касба уюшмалари ҳамда аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиши сингари вазифалар белгилаб қўйилди.

Шуни унутманки, ҳуқуқшунос ва касба уюшмаси аъзоси ўртасидаги суҳбатлар, унинг берган тушунтиришлари, маслаҳатлари ҳуқуқшунослик сирини бўлиб, булар ҳеч кимга ошкор қилинмайди. Бу қонунда ман қилинган.

Ҳуқуқшунос ёрдамсиз ҳам фуқаро баъзи ишларга оидлик киритиши мумкин. Бунинг учун, биринчи навбатда, ҳужжатларга безътибор бўлмаслик лозим. Ҳар бир ишни амалга оширишдан аввал, келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар ҳақида ўйлашга, фикр юритишга тўғри келади. Ана шунда амалда учраши мумкин бўлган тўсиқларни енгил-га тайёр ёки тайёр эмаслиги маълум бўлади.

Қачонки, касба уюшмаси аъзоси ўз ҳуқуқини яхши билсагина ҳуқуқ бузилмайди. Бирок, ҳуқуқни талаб қилиш билан бир қаторда ҳар бир касба уюшмаси аъзоси ўз бурчинини ҳам шунга яраша адо этмоғи лозим бўлади.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,

Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кенгаши Хизмат кўрсатиш ва ўқув муассасалари соҳа Республика бирлашган қўмитаси етакчи юриконсулти

Обуна давом этмоқда

Ҳурматли газетхонлар!
"Xabar"га обуна давом этмоқда.

Газетага "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ алоқа бўлимлари, "Матбуот тарқатувчи" АК матбуот дўконларида обуна бўлишингиз мумкин.



Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси жамоаси Жижзах вилояти худудий бошқармаси бош мутахассиси Хасан Алибоевга кизин Дилфуза АЛИБОВЕВанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбектелеком" АК Сирдарё филиали жамоаси филиалнинг собиқ директори, меҳнат фахрийси **Соҳиб УМАРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Қадр-қилимати, таянғи ва ифтихорилсан, мустақил Ўзбекистон!



Илгор технологияларнинг янгидан-янги авлоди дунё аҳолиси учун улкан имкониятлар эшигини очмоқда. Соҳага кириб келаётган янги технологиялар хизматидан бутун дунёда, жумладан, мамлакатимизда ҳам унумли фойдаланилмоқда. Бу соҳани ривожлантириш ишларига давлат аҳамиятига молик долзарб вазифа сифатида қаралиши сабаби ҳам шунда. Шуларни инобатга олган ҳолда юртимизда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация ва маълумот узатиш тармоқлари, интернет хизматларини ривожлантириш ва замонавийлаштириш, уларни дунё стандартларига етказиш ва шу асосда ахборотлашган жамият сари жадал интилиш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилди. Энг асосийси, ахборот-коммуникация технологиялари ҳозир нафақат идораларда ва бошқарув деvonларида ишламоқда, балки улар оддий фуқароларнинг уйларига ҳам кириб борди. Биргина вилоятимизда ҳам бу борада эътиборга молик ишлар кўзга ташланади.



Бугун мамлакатимизнинг барча жойлари сингари қашқадарёлик алоқачилар ҳам республикамиз мустақиллигининг 22 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида самарали меҳнат қилмоқда. Замонавий тезкор технологиялар оғиримизни енгил, мушкулларни осон қиляпти. Қисқа вақт ичида дунёнинг инсталланган нуктасидан истганча маълумот олиш имконияти яратилляпти. Тезкор ахборот алмасуви йўлга қўйилган. Бу борада ҳеч қандай тўсиқ ёки муаммо йўқ. Бу жараён мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларида изчил амалга оширилаётганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Вилоятда NGN технологиясини қўллаш бўйича Шахрисабз, Китоб, Яқкабоб, Қамаш, Чирокчи туманларида қайта реконструкция ишлари амалга оширилиб, фойдаланиб келинаётган "Алкател" станцияларининг замон талабига жавоб бераётганлиги эътиборга олинди. Хитойнинг ZTE компанияси MSAN русумидаги ускуналари шу туманларнинг 23та масканида ўрнатилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги 1668-қарорига асосан "Ўзбектелеком" АКнинг маҳаллий телекоммуникация тармоқларини NGN технологияси асосида модернизация

қилиш ва ривожлантириш" лойиҳаси доирасида "Алкател" станцияси абонентлари MSAN станцияларига кўчирилиши фойдаланувчиларга бир қатор қулайликлар яратди.

Мазкур лойиҳа бўйича 23та маскандан хоналар ҳозирланиб, қўшимча қурилиши лозим бўлган телефон қудуқлари тайёрланди ва оптик толали алоқа кабеллари ётқизилди. MSAN русумидаги ускуналарнинг жаҳон талабларига мос келиши, ускунанинг ўзида DSLAM, ADSL портлари қурилмаси мавжудлиги, ускунанинг ихчам, катта жойни эгалламаглиги билан ажралиб туради.

Вилоятда оптик толали алоқа линиясига ўтиш жадал олиб борилар экан, техник ва технология жihatдан олиб қаралса, мис толали кабелларга кўра оптик толали кабелларнинг афзалликлари ниҳоятда катта. Оптик толали кабеллар мис толали кабелларга нисбатан бир неча баробар енгил ҳам. Бунинг бир толасидан жуда кўп телефон каналларини ҳосил қилиш мумкин. Энг асосийси, сигналлар охириги нуктагача бир зумда аниқ ва тиниқ етиб боради.

Қишлоқлардаги АТСларнинг аксарияти муқобил турда бўлиб, сифати паст эди. Буларнинг фаолиятини яхшилаш ҳамда қишлоқ жойларда яшаётган аҳолига кўрсатила-

ётган алоқа хизматлари сифати ва ҳажмини ошириш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган кичик сифимли коммутация қурилмаларини босқичма-босқич ўрнатиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Қишлоқ жойларига сифими 112, 160, 208, 320 рақамдан иборат "Эл-СГМ" рақамли коммутация қурилмалари кириб борди.

ЭАТСларда кенг полосали хизматлардан фойдаланувчи ADSL модемларига уланган абонентлар сонини ошириш бўйича режа ишлаб чиқилган бўлиб, вилоятнинг барча туман телекоммуникациялар боғламаларида ўрнатилган DSLAM ускуналарининг монтаж сифими ортишига эришилди. Таҳлилларга эътибор қаратсак, вилоятнинг Шахрисабз туманида 11та, Қамаш, Яқкабоб, Чирокчи ва Китоб туманларида учтадан MSAN русумидаги ускуналар ўрнатилди. Монтаж ишлари якунланиб, тест синовлари ўтказилляпти. Натиждада монтаж сифими ошиб, интерактив хизматларни кўрсатиш ҳажми ортади. Бу 21360 монтаж сифими ўрнига 23552 сифим ҳосил бўлади ёки 2192 рақамга сифимлар ортади, деганидир.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Хабар"нинг Қашқадарё
вилоятидаги мухбири

ШОНЛИ ЙУЛ

2000 йил

13 апрел. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислам Каримов "Даврий матбуотни тарқатувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга имзо чекди.

28 июн. Президент Ислам Каримов "Телекоммуникациялар соҳасидаги бошқарувни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонга имзо чекди.

2001 йил

5 апрел. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ГФРга расмий сафари чоғида "Сименс" гуруҳининг "Инфенион техноложиз" тармоқ компаниясига қарашли корхонаси фаолияти билан танишди. Бу ерда юқори технологияга асосланган электрон жиҳозлар, асосан компьютер, принтер ва шу каби ускуналар учун чип ва микрочиплар ишлаб чиқарилади. Президентимиз компания раҳбарлари билан мулоқот чоғида Ўзбекистонда ҳам шундай корхоналар қуриш учун етарли шароит ва мутахассислар борлигини айтиб, уларни бу имкониятдан фойдаланишига ундади.

23 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислам Каримов "2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, "Интернет"нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга имзо чекди.

19 июн. Президент Ислам Каримов таълим, маданият ва иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда жамият тараққиёти йўлидаги буюк хизматлари учун АҚШдаги обрўли таълим муассасаларидан бири — Мэриленд университетининг фахрий ёрлиғи ва нишони билан тақдирланди.

Мэриленд университети нафақат АҚШ, балки дунёдаги нуфузли таълим муассасалари қаторида туради. Хусусан, университет ахборот технологиялари, интернет ва коинот тадқиқотлари билан машҳур. Университетнинг бир йиллик бюджети салкам бир миллиард долларга тенг.

3 сентябр. Президент Ислам Каримов Оксарой қароргоҳида Германиянинг "Сименс АГ" концерни бошқаруви раиси Хайрих Пирер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон ҳукумати билан "Сименс АГ" ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов фаолияти хроникаси" китобидан

Электрон қабулхона

Давлат солиқ қўмитаси фуқароларни қабул қилишда уларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида қабулга онлайн тартибда ёзилди (электрон қабулхона) янги интерактив хизматини ишга туширди.

Қабулга ёзилди учун фуқаролар Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб сайтыда <http://soliq.uz/uz/feedback/reception/> манзили орқали "Электрон қабулхона" тизимига кириб, фуқароларни қабул қилиш жадвалида келтирилган қабулга кирмокчи бўлган мансабдор шахсни танлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Мансабдор шахс танлангандан сўнг, хизматдан фойдаланувчи ўзига тегишли маълумотлар, яъни телефон рақами, электрон почта манзили, яшаш манзили, муқоабатнинг қисқача мазмуни ёки мақсадини қайд этиши лозим.

Давлат солиқ хизмати органларида фуқароларни қабул қилиш Давлат солиқ қўмитасининг расмий сайтыда жойлаштирилган фуқароларни қабул қилиш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

Онлайн тартибда қабулга ёзилган фуқаролар учун махсус "Фуқаролар муқоабатларини қайд этиш картчаси" автоматик таразда шакллантирилади. Қабулга онлайн тартибда ёзилган фуқаро белгиланган муддатда қабулга келиб, шахсини тасдиқловчи ҳужжатни ва ушбу картчакани тақдим этган ҳолда картчкада белгиланган вақтда навбатсиз қабулга киритилади.

Мазкур хизмат синов тартибда Давлат солиқ қўмитаси, Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ва туман Давлат солиқ инспекцияларида ишга туширилди.

Yangi intellekt-2013

ЭНГ ЯХШИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТИ УЧУН ТАНЛОВ

Иновацион технологиялар ва илмий-техникавий ишланмаларнинг мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутганини алоҳида изоҳлашга ҳоҷат бўлмаса керак. Бугунги кунда бутун дунёда интеллектуал мулк — энг катта бойликка айланиб бормоқда. Ривожланган мамлакатларнинг иқтисоди ва турмуш фаровонлиги кўп жиҳатдан айнан интеллектуал салоҳият эъзига қурилмоқда. Мамлакатимизда ҳам инсон ақл-заковати ёрдамида қўлга киритилган бойликлар, рационализаторлик таклифлари, ихтиролар, илмий ва дастурий маҳсулотлар муаллифларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Яқинда Интеллектуал мулк агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси биргаликда республикада ихтирочилик ва илмий-техникавий ижодиётни рағбатлантириш, инновацион фаолиятни ривожлантириш, янги техника, технология ва рақобатбардор маҳсулотларни яратишга қўмаклашиш, илгор технологияларни татбиқ этиш, ихтирочилик фаолиятини фаоллаштириш, уларни қўллаб-қувватлаш, энг яхши интеллектуал мулк объектларини аниқлаш ва ҳуқуқ эгаларини мукофотлаш мақсадида ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси, дастурий маҳсулотлар йўналишлари бўйича "Yangi intellekt-2013" энг яхши интеллектуал мулк объекти учун йиллик танловини эълон қилди.

ЎТКАЗИЛИШ ТАРТИБИ

Танловга топширилган интеллектуал мулк объектларини баҳолаш ва барча номинациялар бўйича ғолибларини аниқлаш учун танловнинг Ташкилий қўмитаси ва Комиссиялари тузилган.

Танлов куйидаги босқичларда ўтказилиши белгиланган:

- 1-босқич: жорий йилнинг 27 майдан 30 августига қадар талабномалар қабул қилиш;
- 2-босқич: 15 сентябрга қадар Ташкилий қўмита ва Танлов комиссиялари томонидан танлов якунлари бўйича хулоса чиқариш;
- 3-босқич: октябр ойда танлов ғолибларини мукофотлаш маросимини ўтказиш.

НОМИНАЦИЯЛАР

Танловда куйидаги номинациялар бўйича иштирок этиш мумкин:

- энг яхши ихтиро;
- энг яхши фойдали модел;

- энг яхши саноат намунаси;
- энг яхши дастурий маҳсулотлар.

Таъкидлаш лозимки, танловга охирги уч йил ичида Ўзбекистон Республикаси патентини олган интеллектуал мулк объектлари ҳамда миллий ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган дастурий маҳсулотлар қабул қилинади. Аммо, аввал бўлиб ўтган танловларда совринли ўринларни эгаллаган лойиҳалар ушбу танловда иштирок эта олмайди.

БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Танловга тақдим қилинган объектларни баҳолаш уларнинг турларини ҳисобга олган ҳолда куйидаги мезонлар бўйича амалга оширилади:

- а) ихтиролар ва фойдали моделлар учун:
 - энергия ва ресурсларни тежаш, замонавий технологиялар ва янги материаллардан фойдаланиш;
 - экологияга мослиги (атроф-муҳитни ҳимоялаш бўйича масала ва муаммоларни ечиш);
 - ижтимоий аҳамияти (меҳнат шартнонларини яхшилаш);
 - объектни ишлаб чиқиш даражаси (фойдаланишга тайёрлиги: синов-саноат ёки дастлабки намуна, лаборатория макет намунаси);
 - экспортга мўлжалланганлиги;
 - импортнинг ўрнини босиши.
- б) саноат намунаси учун:
 - тижорат қиймати (патент эгалари ҳуқуқларидан фойдаланиш ҳажми);
 - экспортга мўлжалланганлиги;
 - импортнинг ўрнини босиши.
- в) оригинал ташқи кўриниши;
- г) дастурий маҳсулотлар учун:
 - функционаллиги;
 - тугатилганлиги;
 - мосланиши;
 - созланиши;
 - импортнинг ўрнини босиши;
 - экспортга мўлжалланганлиги.



МУКОФОТЛАР

Танловда барча номинациялар бўйича совринли 1-3-ўринларни эгаллаган танлов ғолиблари куйидаги миқдорда пул мукофотлари билан тақдирланадилар:

- 1-ўрин: 3 000 000 сўм;
- 2-ўрин: 2 000 000 сўм;
- 3-ўрин: 1 000 000 сўм.

Ғолибларга ва танловда иштирок этган бошқа иштирокчиларга танлов ташкилотчиларидан эсдалик совғалари ҳамда махсус статуэтка топширилади.

ФАКТ

2012 йилда мамлакатимиз ҳудудида интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича 6000дан ортиқ талабнома келиб тушган. Шу жумладан, 511та ихтиро, 183та фойдали модел, 179та саноат намуналари, 5303та товар белгилари, 278та дастурий маҳсулотлар ҳамда маълумот базалари, саккизта селекция ўюклари, иккита товар келиб чиққан жой номлари бўйича ишланмалар қабул қилинган ва рўйхатдан ўтказилган.

ФИКР

Танлов ташкилотчиларининг фикрича, "Yangi intellekt-2013" танлови республикада илм-фан ҳамда инновацион фаолиятни янада ривожлантиришга, янги ғоялар ва дастурий маҳсулотларни оммалаштириш ҳамда иқтидорли мулк эгаларини рағбатлантиришга муносиб ҳисса қўшади.

Ўз мухбиримиз

ШОНЛИ ЙЎЛ

1998 йил

17 декабр. Президент Ислам Каримов "Радиочастота спектри тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

1999 йил

6 апрел. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Дўрмон қароргоҳида Япониянинг "Кейзай Доюкай" корпоратив раҳбарлар уюшмаси президенти Коичи Минагучи раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Учрашувда япониялик меҳмонларга хусусийлаштириш, коммуникация ва таълим соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш таклифи илгари сурилди.

20 август.

Президент Ислам Каримов "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

8 ноябр.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзяминнинг таклифи билан Хитойга келди.

Ўзбекистон раҳбарини расмий қўтиб олиш маросимидан сўнг Ислам Каримов билан Цзян Цзямин ўртасида юзма-юз суҳбат бўлиб ўтди. Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларидо эса Ўзбекистон билан Хитой ўртасида телекоммуникация, транспорт, саяёҳлик, совдосотик, таълим ва қатор бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўрилди.

Музокаралар низоюсида икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ва ХХР ўртасида дўстона ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш тўғрисидаги қўшма баёнот ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан ХХР ўртасида экстрадиция тўғрисидаги битимга имзо чеқди. Шунингдек, телекоммуникациявий алоқа, ақлий мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, Хитой томонидан Ўзбекистонга имтиёзли кредит бериш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар қабул қилинди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов фаолияти хроникаси" китобидан

Paynet тўловлар тартибига ўзгартириш киритди

UzPaynet тизими яқиндан бошлаб фақат 500 сўмга яхлитланган тўловларни қабул қилишни бошлаган, дея хабар тарқатди MobInfo.uz.

Тизим орқали 1000, 1500 каби тўловларни амалга ошириш мумкин, аммо энди алоҳида 800 ва 1200 каби тўловларни қабул қилмайди. Фойдаланувчи яхлитланмаган суммани (масалан, 1600 сўмни) тўламоқчи бўлса, тизим хатоликни кайд этади ва тўлов ўтмайди.

UzPaynet хизмати маълумотига кўра, хизмат агентларига кунига 50тагача яхлитланмаган суммаларни қабул қилиш

бўйича лимит белгиланган. Лимит тўлганидан сўнг шохобча эгалари фақатгина яхлит тўловларни қабул қила олишади.

Компаниянинг изоҳ беришича, ушбу амалиёт бир қатор агентлар томонидан фойдаланувчиларнинг пулларини ноқонуний равишда ўзлаштириш ҳолатлари кайд этилгани сабаб, фойдаланувчиларнинг илтимосларидан келиб чиқиб, жорий этилган.

Маълумот ўрнида: мамлакат бўйлаб UzPaynet шохобчалари сони 25 мингдан ошади. Ҳар кунги UzPaynet орқали 2 миллионга яқин тўловлар амалга оширилади.

Xalqaro haqot

КОРЕЯлараро музокараларга биринчи қадам ташланди. Чегарадош Пханмунджом аҳоли масканида Корея Халқ Демократик Республикаси ва Корея Республикаси делегациялари учрашди. Уларнинг вазифаси шу haftaда вазирлар даражасидаги учрашувга кун тартибининг тайёрлашдан иборат. Шунингдек, ҳукуматлар жанубий корейлик сайёҳларнинг Кёнсан тоғига сафар уюштириш, оилаларнинг бирлашиши ҳамда Кесон sanoat мажмуаси ишини тиклаш масалаларини ҳам муҳокама этадилар.


Раҳимжон ИРМАТОВ,
Махсус ишлар бўлими
етақчи муҳандиси

Машғулот қизиқарли бўлди

Ўзбекистон алоқа ҳодимлари касабаси уюшмаси марказий кенгаши ташаббуси билан соҳа бирлашган касабаси уюшмаси қўмиталари томонидан жорий йилнинг 12 июни кунини Алоқа тарихи музейида Тошкент шаҳар корхона, ташкилот ва муассасалари бошланғич касабаси уюшмаси ташкилотлари раислари ва фаоллари учун ташкил этилган навбатдаги "Касабаси уюшмаси кунини" ва "Маънавият соати" ўқув машғулотлари кун тартибига долларб мавзулар киритилгани боис жуда қизиқарли ўтди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2013 йил 9 майда Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан сўзлаган нутқининг мазмун-моҳиятига қаратилган мавзу юзасидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси сиёсий шарҳловчиси Қобилбек Каримбеков маъруза қилди. Маърузачи мамлакатимиздаги тинчликнинг барқарорлиги, мустақиллик даврида эришилган ютуқлар, миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик, изчил ислохотлар боис эришилаётган ривожланишлар ҳамда ёшлар онига миллий қадриятларни сингдириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш кабилар тўғрисида сўз юритди.

Ўқув машғулотида "Иш берувчи томонидан ҳодимнинг соғлиғига етказилган зарарни тўлаш тартиби ҳамда аёллар, ёшларга белгиланган қўшимча кафолат ва имтиёзлар" тўғрисида Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиғи бўлим мудири Нозима Сулаймонова сўзга чиқди. У тингловчиларнинг корхоналарда рўй берган ноҳуш ҳолатлар бўйича иш берувчи ва ҳодим ўртасидаги муносабатлар, имтиёзли нафақага чиқиш тартиблари борасидаги саволларига ҳуқуқий далиллар асосида атофлича жавоб берди.

Шунингдек, ўқув семинарда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳаси бўйича Республика бирлашган касабаси уюшмаси қўмитаси етакчи мутахассиси С.Абдуғаниев шу йил июл ойининг биринчи 10 кунлиги давомида ўтказилаётган режалаштирилган соҳа спартакиадасини ўтказиш тартиби тўғрисида батафсил тушунтириш берди. Шундан сўнг, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳаси бўйича Республика бирлашган касабаси уюшмаси қўмитасининг ташкилий ишлар бўйича етакчи мутахассиси Р.Тўраева жорий йилнинг июни ойида ўтказиладиган "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танловини ташкил этиш борасида тегишли хужжатларни (20 июнга қадар) расмийлаштириш тартиби тўғрисида тушунтириш ҳамда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши Раёсатининг 2013 йил 30 апрелдаги 11-1-қарори ҳамда Ўзбекистон алоқа ҳодимлари касабаси уюшмаси марказий кенгаши Раёсатининг 2013 йил 10 майдаги 12-30 "о" сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида тизимдаги бошланғич касабаси уюшмаси ташкилотларида ўтказиладиган ўрганиш ва кўрсатилаётган амалий ёрдам ҳақида гапирди.

Ўқув машғулоти Ўзбекистон алоқа ҳодимлари касабаси уюшмаси марказий кенгаши раиси ўринбосари Э.Юсупов бошқарди.

Шавкат МАҲАМЕДОВ,
Хизмат кўрсатиш ва ўқув муассасалари соҳа Республика бирлашган қўмитаси етакчи мутахассиси



Универсиада-2013 веб-сайти

ТАТУ Қарши филиали ёшлари томонидан яратилди

Яқинда Бухоро шаҳрида олий таълим муассасалари талабалари иштирокида Универсиада спорт мусобақаси ўтказилди. Унда талаба ёшлар спортнинг ўндан ортқи тури бўйича куч синашиб, бор маҳоратларини намойиш этдилар. Беллашувларнинг қизиқарли ва кескин баҳслар остида ўтганлиги спорт мусобақалари ҳақидаги маълумотларни ўзида акс эттирган "UNIVERSIADA.UZ" веб-сайтига ташриф буюраётганлар сонининг кундан-кунга ошиб бораётганлигида ҳам намоён бўлмоқда.

Эътиборли томони, Универсиада-2013 спорт мусобақалари муносабати билан интернет тармоғида ўзбек тилидан ташқари яна тўққиз тилда — рус, инглиз, немис, француз, италян, испан, корей, япон, хитой тилларида "UNIVERSIADA.UZ" сайти ташкил этилган эди.

Кўпчилик Универсиада-2013 сайтининг Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали профессор-ўқитувчилари, иқтидорли талаба ёшлари томонидан ташкил этилиб, фаолият юритганини билишмаса керак.

— Қизиқарли ва юқори савияли дизайнда тайёрланган сайтга 8 июни кунининг биринчи ярмига 56 мингга яқин фойдаланувчи ташриф буюрди, — дейди ТАТУ Қарши филиали "Информатика ва ахборот технологиялари" кафедраси ўқитувчиси Жасурбек Шеров. — Эътиборли жиҳати шундаки, маъмур фойдаланувчилар орасида нафақат юртимиз, балки АҚШ, Австрия, Германия, Хитой, Испания, Чехия, Италия ва 40дан зиёд бошқа давлат вакиллари ҳам ташриф буюришди. Сайт материаллар билан мунтазам

тўлдириб келинаётгани туфайли кундан-кунга ундан фойдаланувчилар сони ошиб борди. Хусусан, жорий йилнинг 5 июни кунини сайтда 4660 нафар фойдаланувчи ташриф буюрган бўлса, 6 июни кунини 10 минг 850 нафар, 7 июни кунини 17 минг 216 нафар, 8 июни кунини эса 22 минг 787 нафар фойдаланувчи сайт материаллари билан танишган.

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилган Универсиада мусобақаларига тайёргарлик эрта бошланган эди. Йил бошида ТАТУ Қарши филиали профессор-ўқитувчилари ҳамда иқтидорли талаба ёшларга нуфузли мусобақанинг сайтини яратиш вазифаси юклатилган эди. Филиал директори Одиқбек Турғунов сайтини яратишда ишчи гуруҳи раиси этиб тайинланди. "Информатика ва ахборот технологиялари" кафедраси малакали мутахассислари, иқтидорли ёшлардан Бекзод Очилов, Фарход Остонов, Суҳроб Абдуллаевлар саралаб олинди. Катта тайёргарликдан сўнг мусобақа веб-сайтини ўзининг кенг қамровли маълумотларини ўзида акс эттириши ва ташриф буюрувчиларнинг қизиқишларини ошира олиши эътиборга олинди. Шу билан бирга, дунёнинг кўп минг сонли аҳолиси сўзлашадиган тилларга ҳам маълумотлар базаси юкланадиган бўлди. Бунинг учун Жаҳон тиллари университети, Шарқшунослик институти талабалари, таржимонларнинг ёрдами ҳам қўл келди.

Универсиада веб-сайтининг аҳамиятли томонлари шуки, унда видеороликлар, тасвирлар онлайн тартибидеги хабарларнинг акс эттирилиши эътиборга тушди. Натияжада спорт мавзусини, ёшлар ҳаётини акс эттирувчи яна бир сайт юзга келди. Универсиадалар оралиғида ҳам сайт янада бойитилиб, кейинги мусобақаларга қўриладиган хозирлик ишлари билан қизиқувчилар танишиб боришлари мумкин.

Афтондил ИСМОИЛОВ

Битирувчилар учун иш жойлари



Қашқадарё:

Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Қашқадарё вилоят ҳокимлиги, Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали ҳамкорлигида "ТАТУ Қарши филиали ва алоқа соҳасидаги ташкилотларга бириктирилган компютер ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш" бўйича "Бўш иш ўринлари ярмаркаси" мавзуда илмий-амалий семинар ҳамда филиалнинг 2012-2013 ўқув йили битирувчилари учун "Карера куни" тадбири ўтказилди.

Тадбирда филиал директори Одил Турғунов, вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Инобат Каримова, қўмитанинг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Санжар Арипов, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали директори вазифасини бажарувчи Ориф Махмудов ва бошқалар "Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш омиллари", "Олий таълим муассасаларида касб-хунар коллежлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масалалари", "Вилоятда касб-хунар коллежлари ва АКМ ўртасидаги амалий ҳамкорлик", "Алоқа ва ахборотлаштириш

соҳасида мутахассислар тайёрлашда ишлаб чиқариш корхоналарининг ўрни" ва бошқа мавзуларда маъруза қилдилар.

Шу куни вилоятдаги алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги корхона ва ташкилотлар ўз фаолиятларини акс эттирувчи қўргазмалли воситалар ҳамда мавжуд бўш иш ўринлари билан иштирок этдилар.

"Карера куни" тадбирида вилоят Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан жами 4770та бўш иш ўринлари битирувчиларга тақдир этилди. Бундан ташқари, вилоятдаги бошқа ташкилотлар ҳам компютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мутахассисларга бўлган эhtiёжни таъминлаш учун ўзларидagi мавжуд иш ўринлари билан "Карера куни" тадбирида қатнашдилар.

Филиалнинг маркетинг бўлими маълумотларига кўра, жорий йилда ТАТУ Қарши филиалини Информатика ва ахборот технологиялари, Касб таълими, Телекоммуникация ва Ахборот сервис таълим йўналишлари бўйича жами 126 нафар талаба битирмоқда. Аксарият ёшлар уч томонлама шартномаларга эга бўлиб, уларнинг иш ўринлари аниқ.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири



Фарғона:

Фарғона филиалида ҳам бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

Унда филиалнинг 200 нафардан зиёдкор, вилоятдаги соҳа йўналишидаги касб-хунар коллежларининг 800 нафардан кўпроқ битирувчиси ва 50 нафарга яқин иш билан банд бўлмаган аҳоли иштирок этди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ва "Ўзбектелеком" АК, "Alskom" суғурта компанияси вилоят филиаллари, "Матбуот таркатувчи" АК Фарғона шўъба корхонаси, вилоят ахборот-кутубхона маркази, "RWC" МЧЖ ХК Фарғона филиали, "COSCOM" МЧЖ ХК вилоят бўлими "UNITEL" шарқий минтақавий филиали, "Ўзбектелеком" АК Uzmobilе филиали Фарғона участкаси, ЭМММ Фарғона бўлими, Андижон радиотелевизион узатиш маркази, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, вилоят ўрта махсус, касб-хунар ҳудудий бошқармаси каби қатор корхона ва ташкилотлар ўзларидagi бўш иш ўринлари, лавозимларнинг йўриқномалари, ойлик иш ҳақлари ва иш берувчи тўғрисида тўлақонли маълумотлар акс эттирилган ранг-баранг стендлар жойлаштириб, иш қидирувчиларга қулай шароитлар яратди. Иш берувчиларнинг раҳбарлари ва кадрлар билан ишловчи мутахассислари иш излаётганларни қизиқтирган барча саволларига жавоб бериб, керакли йўл-йўриқлар ва маслаҳатлар кўрсатди.

— Биз касб-хунар коллежларининг 45 нафар, ТАТУ Фарғона филиалининг 6 нафар битирувчиси билан уч томонлама шартнома

туздик, — дейди "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали кадрлар бўлими ходими Саидхон Ахмедова. — Жамоамизга чет тилларни биладиган ахборот технологиялари билимдонлари, зукко ёшлар келиб қўшилаётгани бизларни жуда қувонтиради. Эртамиз эгалари бўлган бу серғайрат ва шижоатли ёшлар, ўйлашмики, ишончимизни оқлайдилар.

Олтириқ компютер технологиялари касб-хунар коллежи битирувчиси Замирахон Маликова туман почта алоқаси тармоғига иш қабул қилинаётганидан беҳад мамнун. "Эл ҳурматини қозongan почта ходимларини танийман. Шунинг учун ҳам шу соҳани танладим, — дейди у. — Меҳнатга қўнликма ҳосил қилиш осон бўлмаса керак. Устоз-мураббийлар кўмагига суяниб, тез орада соҳада ўзимнинг муносиб ўрнимга эга бўламан, деб умид қиламан".

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали 33 нафар, "Alskom" СК Фарғона филиали эса 18 нафар битирувчи билан уч томонлама шартнома тузди. Ярмарка иштирокчиларининг 148 нафарига йўлланмалар берилди.

Байрамо на руҳда ўтган тадбирда қўмитанинг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси ва ТАТУ Фарғона филиали раҳбарлари, ОАВ ходимлари, шахар ички ишлар, соғлиқни сақлаш бошқармалари вакиллари қатнашдилар.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

ФАКТ

Тадқиқотларга кўра, XV-асргача инглиз тилида тиниш белгилари бўлмаган экан.



Хотирасиз келажак йўқ

Марғилон шаҳридаги Миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи ахборот-ресурс маркази ходимлари ташаббуси билан "Хотирасиз келажак йўқ" мавзуда тадбир ўтказилди.

Тадбирда шаҳардаги "Йўрмадўз" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 88 ёшли Абдусамат ота коллеж ўқувчиларига уруш йиллари хотираларини сўзлар экан, жанг майдонида шахид кетган қуролдош дўстларини ёдга олиб, бугунги бахтли кунларга шукроналар келтирди. Шунингдек, отахон Юртбошимиз томонидан таълим ва тарбия масканида ёш авлодга яратилган шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, бу шу-

кухли, тинч-осойишта кунлар қадрига етиб, уни қўз қорачиғидек асраб, аёло баҳоларда ўқишлари лозимлиги, келажакда комил инсонлар бўлиб вояга етишлари ҳақида ўғитлар берди.

Тадбирда тинчлик, истиқлол, обод Ватан, бахтли ёшлик, она юрт, меҳроқибат мавзуларида ёд олган шеърлари билан ўқувчилар даврага кўтаринки кайфият бағишладилар. Куй-қўшиқлар ва саҳна кўринишларида эса ёшлар Ватанга муҳаббат, аждодларга муносиб ворис

бўлиш, илм олишнинг афзалликларини намойиш этдилар. Сўнгра коллеж ўқитувчилари — афюн уруши қатнашчилари Абдуфаттоҳ Воҳидов, Маъруфжон Ҳасановлар ўз хотираларидан сўзлаб бердилар. Коллеж директори Зиёдаҳон Азимова уруш фахрийси Абдусамат отага учрашувга таширф буюргани учун миннатдорлик изҳор этиб, унга ўзбек миллий кийимларини совға қилди. Тадбирнинг иккинчи қисмида ўқитувчи ва устозлар хотираси ёд этилиб, нуруний ва ногирон беморлар ҳолидан хабар олинди.

Муҳаммадҷон МАҲМУДОВ

Ўтган ҳафтадан бошлаб uMail.uz почтасининг лотин ёзувиға асосланган ўзбек алифбосидаги шакли ҳам ишға тушди.

Xabar
www.xabar.uz

Таъкидлаш жоизки, XXI асрга келиб, ахборот ҳар қачонгидан-да қудратли қуролга айланди. Мазкур қурол ёрдамида ҳарбий кучлар орқали амалга ошириб бўлмайдиган мақсадларга бевосита эришиш мумкин. Ахборотдан вайронкор қурол сифатида фойдаланиш мақсадида, айрим етакчи давлатлар ўзга мамлакатлар аҳолиси онги ва дунёқарашини ўзгартириш мақсадида ғоявий, мафкуравий таъсир ўтказишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Ахборот хуружи

Унинг халқаро муносабатларга таъди

Бу ҳақда Президентимиз И.Каримов "Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга", — дея таъкидлаган эди. Ўз навбатида, Президентимиз фикрига кўра, агар ҳарбий, иктисодий, сиёсий таъсир бўлса, бунинг сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, ammo мафкуравий таъсирнинг, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш нихоятда қийиндир. Зеро, ҳар қандай ахборот хуружлари бевосита ахборот қуроллари орқали амалга оширилади. Рус таъкидотчиси Д.Лавцовнинг фикрича, "Ахборот қуроллари деганда муайян халқ, миллатнинг меъталитети, маданияти, маънавияти, дини, давлатнинг информацион-технологик, ҳарбий инфратузилмасига деструктив таъсир салбий таъсир кўрсатадиган махсус дезинформацион технологик воситалар тизими тушунилади".

Бугунги кунга келиб, дунёнинг йирик давлатларидаги халқаро диний марказлар миссионерлик ҳаракатини амалга ошириш орқали ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон ахборот маконига чиқиб жараёнини издан чиқаришга интиломоқда. Инглиз сиёсий арбоби У.Черчилл: "Қим ахборотга эга бўлса, дунёга ҳам эгаллик қилади", дея таъкидлаган эди. Унинг фикрига кўра, айрим етакчи давлатлар муайян мамлакатдаги ҳукумат бошқаруви, давлат тўғрисида ҳолисона фикрларни амалда мавжуд эмаслиги тўғрисидаги ғояни илгари суришга интилаётганлигини таъкидлайди. Ўз навбатида, мавжуд бошқарув тузумига нисбатан норозилик кайфиятларини амалга ошириш учун маҳаллий аҳоли вакиллари онгини қалъитишда уларнинг онги ва психологиясини ўзгартириш мақсадида аниқ маълумотга эга бўлмаган ахборотни тарқатишмоқда. Бинобарин, ахборот хуружлари хусусиятларидан бири шундаки, улар аввало, миллатнинг тарихан шаклланган маданияти, кадриятлари ва унинг ўзига хослигини барбод этиш билан бир қаторда, инсонларни миллат ва халқ сифатида яшаши хавф остида қолишига замин яратди.

Хозирда ахборот хуружларини кўзлаб амалга ошириладиган миссионерлик ҳаракатлари замирида, айрим ривожланган давлатлар ўзларининг стратегик мақсадларини амалга оши-

ришга алоҳида эътибор қаратаётгани ётибди. Энг аввало, ўзлари фаолият олиб бораётган минтақа ва ҳудудлар микёсида давлат ва жамиятдаги камчиликларни бўрттириб кўрсатишни мақсад қилишмоқда. Шу билан бир қаторда, миссионерлик ташкилотлари тухмат ва бўхтонлар уюштириш орқали ўзларига рақиб бўлган давлатнинг ҳукумат бошқарувида фаолият олиб бораётган раҳбарларини айблаш ўзларининг асосий мақсадлари эканлигини намойиш этишмоқда. Мазкур разил мақсадларини амалга ошириш жараёнида, миссионерлар халқаро оммавий ахборот воситалари ва матбуотдан,

Жамият хавфсизлигига раҳна солиш мақсадида мамлакат барқарорлигига путур етказишга интилаётган мафкуравий, ғоявий ва ахборот хуружлари ва хатарларига қарши доимо огоҳ бўлиш ҳар бир ватандошимизнинг муқаддас бурчидир.

айрим журналистлар, турли сиёсатчилар ва шарҳловчиларнинг хизматида ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга эътибор қаратишмоқда. Айниқса, улар "инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси" сифатида ўз вазибаларини "виждонан" бажараётган шахсларни моддий рағбатлантириш, ёллаш усуллари орқали ўзларининг истиқболли режаларини бажаришмоқда.

Мутахассислар хозирда ахборот миссиясининг муҳим қуролларидан бири сифатида оммавий ахборот воситалари ва информацион таъкидларнинг жуда муҳим эканлигини таъкидлашмоқда. Бу ҳақда АҚШ Марказий разведка бошқармасининг "даҳо"си ҳисобланган А.Даллеснинг фикрича, "Инсон мияси, одамларнинг онги ўзгарувчанликка мойилдир. Тартибсизлик, палапартишлик уруғларини сочши орқали биз уларнинг ўзига сездирмаган ҳолда асл кадриятларни унутиб, сохта кадриятларга ишониларига



эришишимиз мумкин. Инсонлар онги учун уларнинг болалик ва ўсмирлик чоғлариданок курашиш, ёшларни ўзлари ўйлаб топган сохта кадриятлар қулига айлантириш, қолаверса, ҳар бир миллат орасида ўз маслақдошларимизни топиш ҳамда сафларини кенгайтириш орқали аста-секин бўйсунини истамаган ҳар қандай мағрур халқни ҳам бош эгишга мажбур қиламиз, акс ҳолда эса мисли кўрилмаган фожеаларга гирифтормиз" — дея таъкидлаган эди.

Шу ўринда, А.Даллеснинг юқоридаги фикрига эътибор қаратилса, ахборот хуружи ҳар қандай давлат ва жамият ҳаётидаги барқарорликка путур етказишни англашимиз лозим. Таникли социолог Фердинанд Тоннес фикрича, "Матбуот — ҳақиқий зарур ижтимоий фикр" яратиш қуроли, мазкур қуролни ишлатиш механизмининг амалга ошириш туфайли ҳақиқий қурол вазибаларини ўташ мумкинлиги тўғрисидаги ғояни илгари суради.

Юқоридаги фикрлар асоси сифатида хозирда миссионерлик ғояларини бутун дунё микёсида тарғибот ва ташвиқот қилишни амалга ошириб келаётган "Голос Анд" — ("Анд овози") радиоси фаолиятини айтиб ўтиш мумкин. Мазкур радио 1931 йилда Жанубий Америкадаги Эквадор давлати пойтахти Кито шаҳридаги Анд тоғида ташкил этилган. Ушбу радио Рождество байрами муносабати билан ўзининг дастлабки фаолиятини амалга оширган. "Голос Анд" радио тўлкинлари орқали бутун дунё халқларини Библия ва христианлик диний таълимотлари билан таништириш мақсадида ташкил этилган жаҳондаги дастлабки миссионерлик радиоузатиш тармоғи ҳисобланади.

Хозирги кунга келиб, ушбу радио тўлкинлари миссионерлик фаолияти орқали бутун дунё аҳолисига эътиқодий таъсир ўтказиш натижасида фуқароларнинг онги ва дунёқарашини ўзгартириш, Иисус Христоснинг Евангелиясини эшитиш имконияти яратилган. Мазкур радио фаол христианлик черкови аъзосига айлантириш мақсадида христианлик таълимотларига кизиклини кучайтириш орқали дунёдаги жуда кўплаб фуқаролар онгини забт этиш натижасида уларнинг азалдан шакланган кадриятлари, диний эътиқодига нисбатан шубҳа ўйғотишга замин яратмоқда.

Шунингдек, ушбу радио дунё микёсидаги энг катта радиостанция сифатида ўз фаолиятини амалга ошириш

жараёнида 12 тил ва 22та диалектлар (шеввалар)да ўз эшиттиришларини олиб бормоқда. Шунингдек, дунёдаги жуда кўплаб миссионерлик ташкилотлари ҳамда маҳаллий радиостанциялар билан ҳамкорлик қилади.

Мазкур радио хозирда Шарқий Европа, Украина, Россия ва Марказий Осиёда ўз бўлимларини ташкил этишга ҳаракат қилмоқда. "Голос Анд" радиосининг бўлимларини ташкил этиш ва радиоэшиттиришларини йўлга қўйиш мақсадида унинг тарафдорлари томонидан дунёдаги 30дан ортик мамлакатларда намоёнлар бўлиб ўтганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Глобаллашув жараёнида дунёдаги айрим сиёсий кучларнинг истиқболли режалари замирида, муайян мамлакатларга нисбатан амалга ошириладиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружлар бевосита мамлакат барқарорлиги ва жамият хавфсизлигини таъминлашга раҳна солмоқда. Зеро, "Эркинлик ва демократияни олға силжитиш" никоби остида амалга ошириладиган, узокни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида сезиш, англаш катта аҳамият касб этади", — дея таъкидлайди Президентимиз. Бугунги кунда миссионерлик ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ахборот миссияси замирида, аввало, миллатлар маданияти ва ўзига хослигини барбод этиш, инсонлар хулқини ўзгартириш, муайян мамлакатда интелектуал салоҳиятни забт этиш орқали ўз таъсир доирасида ушлаб туриш мақсадида қудратли восита сифатида ахборот хуружларидан фойдаланаётганлигини англаш лозим. Ўз навбатида, Юртбошимиз "Мафкуравий хуружлар миллий ва диний томиларимизга болта уришни, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлашгани, ўйлайманки, юртимизда яшайдиган соғлом фикрли ҳар бир одам яхши тушунади", — дея таъкидлаган эди. Жамият хавфсизлигига раҳна солиш мақсадида мамлакат барқарорлигига путур етказишга интилаётган мафкуравий, ғоявий ва ахборот хуружлари ва хатарларига қарши доимо огоҳ бўлиш ҳар бир ватандошимизнинг муқаддас бурчидир. Айниқса, ахборот хуружларининг олдини олиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, аввало, мамлакатни ички ва ташқи хавфлардан ҳимоя қилишнинг муҳим омилларидан биридир.

Мансур МУСАЕВ,
Туйғун КАРИМОВ

ФАКТ

Кейинги 15 йил мобайнида АҚШ ҳукумати информацион қуроллар ва психологик таъсир воситаларини ишлаб чиқариш ва такомиллаштириш мақсадида сарфланадиган маблағлар миқдорини тўрт барбарага оширган.

1 июлдан четдан келтириладиган товарларга ўзбек тилида маркировка қўйилиши шарт.

Ишлаган куним бу яшаган кунимдир... Ҳар гал уни учратганимда, буюк донишмандларимиз айтиб кетган ана шу ҳикмат ҳаёдан ўтади. Нафқат раҳбарлар, балки барча ҳамкасблар ҳам "киройи телекомчи бўлсанг, шундай сергайрат бўлсанг", дея таърифлайдилар. Шундай хислатлари учун ҳам бу йигит андижонликлару наманганликларга ҳам яхши таниш. Республикада ҳам эътирофини топиб улгурган бу мутахассиси Владимир ЕЖКОВ дейдилар.

Шу йил 7 май — Алоқачилар касб байрами арафасида унинг Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси фахрий ёрлиги билан тақдирланганлигини ҳамма бирдай қувонч

Ахйри муаммонинг сабабини топди. Ўша дамда борлиқда бир гўзал, бир ажиб бетакрор тонг отиб келмоқда эди. Ва ниҳоят "Биз тайёр!" деган хитоб айтилди. Бизнинг ишимиз шу — Фарғона тонг отгунча! Бу машаққатли меҳнат



Азамат йигитлар сардори

билан кутиб олди. Пойтахтга байрам тадбирига бориш учун сафарнома расмийлаштириб юрар экан, кадрлар хонасида ҳам, қабулхонада нозимчилар хонасида ҳам уни барча "Э баракалла, азамат!" дея саминий кутларди.

— Қаранг, бизнинг Володямизнинг табриклари камтарона қабул қилишида ҳам ўзбекиона камтаринлик ва тантилик бор, — дейди раҳбарларидан бири Азиза Абдуллажоновна беҳад хурсандлик билан. — Марказлашган ишлаб чиқариш лабораторияси бошлиғи. Асл мутахассис. Ҳар қанча бўлсин мукофотларга арзийди! Қандини урсин. Билим даражасию одамийлигига ҳам гап йўқ. Бир мисол келтирсам, ўзингиз хулоса чиқариб оласиз. Бу воқеа Қўқонда бўлган эди. Ўшанда етти рақамликка ўтаётган эдик. Ҳамма иш якунланди, деб енгил нафас олганимизда станцияларнинг бирида муаммо чиқиб қолди. Ҳамма хайрон: Гап нимада эканлигини билолмасдик. Володя эса терга ботганча ишга боши билан кириб кетган.

— Володя, бас, тонг отиб қолди. Бир оз дам олиб келинг, — деди устоз Акбаров. У бўлса "Тошкентга сўз берганимизку!" деди-да, одатича жилмайибгина ишида давом этаверди ва бир пайт "Э, савил-а, гап бу ёқда экан", деди оғзи қулоғида.

Фикр

ҚИЛАЁТГАН ИШЛАРИГА МЕХР КЎЙГАНЛАРИГА ОМАДГА ЭРИШАДИ.

Эндрю КАРНЕГИ

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали Сўх телекоммуникациялар боғламасида самарали меҳнат қилиб, мижозлар хурмат-эътиборига сазовор бўлган ва хозирги кунда кекалик гаштини сураётган фахрий алоқачилар кўпчилигини ташкил қилади.

Шулардан бири Масъуджон Аминжоновдир. У кишининг номини тумандаги кекса-ю ёш хурмат-эҳтиром билан тилга олади.

Бу бежиз эмас, албатта. Са-

тарзимиздан олинган бир мисол, холос. Бунга чидаган бор, чидамаган бор. Ежков ана шундай сабр-матонатли алоқачи. Нозимчи қачон чакирмасин, хар сония хизматга тайёр туради. Ярим тун демайди, бутун байрам-ку, демайди. У шунинг учун ҳам Ежков-да.

Фарғонада туғилиб ўсган, Фарғонани, касбини жонидан суйган йигитнинг фикри-зикри халққа астойдил хизмат қилиш, "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали номини ҳалол меҳнатлари билан эъзозлашди!

— Бунинг нимасини газетга ёзасизлар, бу менинг бурчим, бу менинг ишимку, — хижолат чекади у. — Бирон бир носозлик чикқанда, уни охирига етказасам

шундай ҳузур-халоват ичида қоламанки, ўша онлар лаззатли — менга шодликлар ҳаёда этади. Фахрий ёрлик эса бу филиалимизга, бутун лабораториямизга тегишли мукофот...

Камтарга камол! Володя филиалда 1994 йилдан буён турли вазифаларда меҳнат қилиб келади. Қайси жабҳада ишлаган, олиқ маълумотли мутахассис эканлигини намойиш этади. Ўтган йили Словенияда малакасини ошириб келгач, "Искрател" компаниясида ишлаб чиқарилган 70848 сизимга эга бўлган станция куримларини монтаж қилиш ишларини жамоаси — Энвер Аджиғелдиев, Сергей Дацко, Хайруллажон Охун, Акмалжон Абдуазизов, Рустамжон Шамшитдинов қабилар билан муваффақиятли бажарди. У Аброржон Имомов ҳамда Александр Марқасян каби шоғирдлар ҳам етиштирмоқда. Ҳа, Владимир Ежков телекоммуникация таркибининг барча босқичларида фаол иштироки билан хар қанча фахрланса арзийди.

Фарғонада туғилиб ўсган, Фарғонани, касбини жонидан суйган йигитнинг фикри-зикри халққа астойдил хизмат қилиш, "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали номини ҳалол меҳнатлари билан эъзозлашди! Зотан, жамият ҳам инсонни қилган ишларига қараб баҳолайди. Қаҳрамонимиз эса ана шу аъло баҳони олишга муяссар бўлди. Уни олдинда катта ҳаёт, ишда омадлар ва музаффарликлар кутмоқда.

Ҳафиза САЛЯХОВА,
"Хабар"нинг Фарғона
вилоятидаги мухбири

Фахрий алоқачи

баби қаҳрамонимиз 37 йил боғламада электромонтёрлик вазифасида сидқидилдан меҳнат қилиб, олдида қўйган вазифаларни доимо соз, бенуқсон бажарди, раҳбарият ҳамда мижозлар эътиборини қозонди.

Алоқачи деган номни ўзининг ҳалол меҳнатлари билан улуглашга астойдил ҳаракат қилган меҳнат фахрийсининг

шоғирдлари туман алоқа боғламасида устоз ўнгиларини бажариб, халқ хизматига камарбаста бўлиб келишаётир.

Шоғирдларидан бири Абдусалим Набиев хозирги кунда "Тароватли" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисига, турли қорхона, ташкилот, муассасаларга хизмат қилиб, устоз берган маслаҳат-ўнгиларига чин дилдан амал қилмоқда.

Масъуджон Аминжоновнин маънода алоқачиларнинг фахри десак, асло муболага бўлмайди. Нафақада бўлишига қарамай, алоқачилар ҳузурига тез-тез ташриф буюриб, улар билан дилдан суҳбатлашиб, керакли маслаҳатларини бериб келяпти.

Аскарали АНБАРЖОНОВ

Табрикларимиз!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Бешарик, Навбахор, Водел ПАТ ходимлари Сабохон МАРДОНОВА, Алижон АБДУЛЛАЕВ, Тоиржон РУСТАМОВларни 50 ёши билан табриклайди. Уларга соғ-омонлик, узоқ умр, фарзандлар роҳатини кўришни тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали Беруний туман телекоммуникациялар боғламаси жамоаси электромеханик Нурлибек ЖАББАРАБЕРГЕНОВни 60 ёшга тўлиши муносабати билан чин юракдан табриклайди. Унга узоқ умр, сихат-саломатлик, фарзандлари бахту иқболини кўришни тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали жамоаси филиалнинг ҳисобчилар бўлими етакчи мутахассиси Гулнора АБДУРАХМОНОВАНИ кутлуг 50 ёшни қарши олиши билан муборакбод этади. Унга соғлик, оилавий фаровонлик, ишларида ривож тилайди.

Қизилтепада семинар

Навий вилоятининг Қизилтепа туманида "АРМнинг автоматлаштирилган иш жойлари" мавзусида ҳудудий семинар бўлиб ўтди.

Семинарни А.Қодрий номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказининг директор ўринбосари Ш.Бақоева очиб, кутубхоначилик соҳасидаги изчил ишхотлар натижа-сида АРМ ходимлари олди-га қўйилган вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди. АКМ ахборот технологиялари бўлими мудири Б.Абдуллаев "АРМнинг автоматлаштирилган иш жойлари" мавзусида маъруза қилди ва уни яратишда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида йигилганларга батафсил тушунча берди. Мавзу юзасидан Қизилтепа Агросервис коллежи АРМ раҳбари Х.Давронова, 7-мактаб АРМ раҳбари Ж.Аслоновалар фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Семинарни ўтказишда яқиндан ёрдам берган Қизилтепа манший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи раҳбари С.Ўртоқов кутубхоначилар учун чиқарилган қарорлар ва соҳа фаолиятига доир қонуннинг ижросини таъминлашда туман АРМ ходимлари бутун билим ва салоҳиятларини аямасликларини айтиб, семинар ташкилотларига миннатдорлик билдирди.

— Республикада кутубхоналарга эътибор кундан-кунга ошиб бормоқда. Бу борада қўриш қобилияти чекланган китобхоналар ҳам назардан четда қолаётганлари йўқ, — дея фикр-мулоҳазаларини билдирди туман кўзи ожизлар кутубхонаси раҳбари Соҳиб Қодиров. — Лекин Брайл алифбосида чоп этилган янги адабиётларни олишда бирмунча муаммолар мавжуд.

Шунингдек, семинарда АРМларнинг ёшлар тарбиясидаги алоҳида ўрни, "оммавий маданият" нико-би остида кириб келаётган ёт роғлардан уларни асраб-авайлаш, бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтилди. Тадбир савол-жавоб тарзида бах-мунозараларга бой бўлди.

Жамила БОБОМУРДОВА,
АКМ илмий-услубият бўлими мудири



Ёшлик ва гўзаллик байрами

Бухоро шаҳрида "Универсиада-2013" спорт мусобақаларининг финал босқичи бўлиб ўтди. Ушбу мусобақалар нафақат Ўзбекистон спорти ҳаётида катта воқеа, балки барча жабҳаларда эришаётган ютуқлари билан Ватанимиз шарофтини улуглашга қодир ёшларимизнинг том маънодаги ёшлик ва гўзаллик байрамига айланди.

Мамлакатимизда олтинчи бор ўтказилган Универсиадада кўплаб янги рекордлар ўрнатилди. Бу келажакда Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва китъа чемпионатларида Ватанимиз байроғини баланд кўтаришга қодир спортчилар захирасида иқтидорли ёшлар сафи кенгайиб бораётганининг яна бир далилидир.

Мусобақада энг кўп медал жамғариб, биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри жамоаси юксак мукофот — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг

"Универсиада-2013" спорт ўйинлари катнашчиларига табригининг асл нусхаси ва Президент совғаси — "Дамас" автомобили билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган Самарқанд ва Андижон вилоятлари жамоаларига Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси — "Дамас" автомобиллари топширилди.

Мурасаз курашлар остида ўтган мусобақаларда алоҳида маҳорат кўрсатган, ирода ва ғалабага интилишини намойиш этган, тенгқурлари орасида юқори натижаларга эришган бир гуруҳ спортчи-талабалар махсус совринларга сазовор бўлишди.

Бухородаги Универсиада беллашувларида маҳорат кўрсатган спортчи ёшларнинг аксарияти энди Жаҳон универсиадасида катнашади. Шу йилнинг 6-17 июл кунлари Россиянинг Қозон шаҳрида ўтадиган ушбу нуфузли мусобақада саксон нафар спортчидан иборат Ўзбекистон спорт делегацияси спортнинг ўн тўрт тури бўйича ғолиблик учун куч синашади.

Олий ўқув юрлари талабаларининг навбатдаги универсиада мусобақасига Фарғона мезбонлик қилади.

MUTAXASSIS MINBARI

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Жамиятда ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини билиши ҳаётда учраб турадиган муаммоларни ечишда ишончли қалқон ҳисобланади. Баъзан ҳаётда ҳуқуқшунос хизматидан фойдаланишга тўғри келади. Аммо, одатда фуқаролар ҳуқуқшуноста бошига мусибат тушганда ёки бирор бир ҳаётий муаммони ечимлашда охириги имконият сифатида мурожаат қилишади. Аслида ҳар бир инсон ҳуқуқий соҳада учрайдиган муаммоларга тийрак нигоҳ билан қараш учун ёнида яқин маслаҳаттўйи бўлгани фойдадан холи эмас.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг жорий йил 26 январдаги ҳамда Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгаши Раёсатининг 8 февралдаги қарорлари билан эндиликда қасаба уюшмалари фуқароларга ҳуқуқий маслаҳат берувчи ҳуқуқий маънодаги ташкилотга айланди. Мазкур қарор ва низомига асосан Қасаба уюшмаларининг юридик хизмати тўғрисида низоми, Қасаба уюшмаларида мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ҳамда ушбу йўналишда бажариладиган ишлар бўйича йиллик (чораклик) маълумот (хисобот)ларнинг бутунлай янги тахриридаги шакллари тасдиқланди.

Албатта, бу мамлакатимиздаги ҳар бир қасаба уюшмаси аъзоси ўз ҳуқуқий онгини янада ошириб боришига, уларнинг текин ҳуқуқий маслаҳат олишларига кенг имкониятлар яратади. Бундан кўринадики, қасаба уюшмаси юриконсултининг асосий вазифаси — фуқароларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга, эндиликда текин ва беғараз ҳуқуқий маслаҳат берилишида янги даврни бошлади. Фақат иш қасаба уюшмаси юриконсулти фаолият доирасига кирса бўлди.

Юқорида тасдиқланган Низом ва Тартибга асосан эндиликда қасаба уюшмалари тизимидаги жисмоний ва юридик шахсларга амалий ёрдам кўрсатилиши йўлга қўйилди. Шу жиҳатдан юридик хизмат ходимига қуйидаги вазифаларни амалга ошириши белгилаб қўйилди:

1. Қасаба уюшмаларининг ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида бевосита катнашиш;
2. Қасаба уюшмалари аъзолари ва ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишда, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва моҳиятини уларга етказишда катнашиш;
3. Қасаба уюшмалари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликни таъминлашга кўмаклашиш;
4. Қасаба уюшмалари аъзолари ва фуқаролардан тушган мурожаатларни кўриб чиқиш;
5. Судларда ва бошқа идораларда қасаба уюшмалари ҳамда аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши сингари вазифалар белгилаб қўйилди.

Шуни унутманки, ҳуқуқшунос ва қасаба уюшмаси аъзоси ўртасидаги суҳбатлар, унинг берган тушунтиришлари, маслаҳатлари ҳуқуқшунослик сирини бўлиб, булар ҳеч кимга ошкор қилинмайди. Бу қонунда ман қилинган.

Ҳуқуқшунос ёрдамсиз ҳам фуқаро баъзи ишларга оидлик киритиши мумкин. Бунинг учун, биринчи навбатда, ҳужжатларга безътибор бўлмаслик лозим. Ҳар бир ишни амалга оширишдан аввал, келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар ҳақида ўйлашга, фикр юритишга тўғри келади. Ана шунда амалда учраши мумкин бўлган тўсиқларни енгитишга тайёр ёки тайёр эмаслиги маълум бўлади.

Қачонки, қасаба уюшмаси аъзоси ўз ҳуқуқини яхши билсагина ҳуқуқ бузилмайди. Бирок, ҳуқуқни талаб қилиш билан бир қаторда ҳар бир қасаба уюшмаси аъзоси ўз бурчини ҳам шунга яраша адо этмоғи лозим бўлади.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгаши Хизмат кўрсатиш ва ўқув муассасалари соҳа Республика бирлашган қўмитаси етакчи юриконсулти

Янги чемпион

Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари коллежи спорт мажмуасида ОАТ "Алоқабанк"нинг Бош банк, Амалиёт бошқармаси ва худудий филиаллари аёллар жамоалари ўртасида волейбол бўйича анъанавий турнир бўлиб ўтди.

Мусобақада жамоалар тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда чорак финал йўлланмалари учун кураш олиб боришди. Ўз гуруҳларида биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар ғолиблик учун ўзаро баҳс олиб бориб, қуйидаги натижаларга эришдилар:

Чорак финал

- "Фарғона" — "Қорақалпоғистон" — 1:2
- "Навоий" — "Тошкент-2" — 2:1
- "Сурхондарё" — "Қашқадарё" — 2:0
- "Тошкент-1" — "Қўқон" — 2:0

Ярим финал

- "Навоий" — "Қорақалпоғистон" — 2:0
- "Сурхондарё" — "Тошкент-1" — 2:0

Финал

- "Сурхондарё" — "Навоий" — 2:0



Эътиборлиси, уч йил давомида биринчилиكنи қўлдан бермай келатган пойтахтликларнинг "Тошкент-1" жамоаси бу йил "Сурхондарё" жамоасига ярим финалда имкониятни бой берди.

Ҳа, бу йилги мусобақа янги чемпион ва совриндорларни кашф этди. Совринли ўринларни эгаллаганларга кимматбахо совғалар топширилди ва алоҳида ўрнатилган жамоа ва ходимларга 10та номинация бўйича совғалар топширилди. Турнирда Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси ходимлари ҳам иштирок этиб, ўзларининг махсус совғаларини мусобақада алоҳида ўрнатилган кўрсатган катнашчиларга тақдим этди.

Обуна давом этмоқда

Ҳурматли газетхонлар!
"Xabar"га обуна давом этмоқда.

Газетага "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ алоқа бўлимлари, "Матбуот тарқатувчи" АК матбуот дўконларида обуна бўлишингиз мумкин.



Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси жамоаси Жинзаҳ вилояти худудий бошқармаси бош мутахассиси Хасан Алибоевга кизин Дилфуза АЛИБОВЕВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбектелеком" АК Сирдарё филиали жамоаси филиалнинг собиқ директори, меҳнат фахрийси **Соҳиб УМАРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

"Арқоғини кўриб бўзини ол, онасини кўриб қизини ол" деган мақол бежиз пайдо бўлмаган халқимиз орасида. Бу мақол замирида оилада дунёга келган қиз фарзанднинг жисмонан соғлом, ақлан баркамол бўлиб вояга етишида, унинг қай даражада ибто-ҳаёли, покиза, саранжом-сарништа бўлишида онанинг таъсири катта эканлигига ишора этилди аслида. Зеро, оила деб аталмиш ажойиб қўрғоннинг чироғи ҳисобланмиш қиз болани ўстириш, уни тарбиялаш, оила қуришдек масъулиятли ишга тайёрлаш оналаримиз олдидаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.



ҚИЗЛАР ТАРБИЯСИДА ЭҲТИЁТКОР БЎЛАЙЛИК!

Она хар бир оилада маънавий маслаҳатчи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам хоҳ ўйил, хоҳ қиз бўлсин, фарзандларини биринчи бўлиб онасига айтади, ундан маслаҳат сўрайди. Ана шундай пайтда ўнгит бериши керак бўлган онанинг ўзи тарбияли, ақлли, билимли бўлсагина, фарзандига керакли маслаҳатни бериб, тўғри йўлга сола олади. Мабо-до, унинг ўзи тарбияга муҳтож бўлса-чи?!
Жамиятимизда болалар тарбиясида ўзи бераётган оксашларнинг асл сабаби ҳам шу ерда. Ва бу ҳолатга, шунингдек, қизларини хали жуда ёш пайтидан турмушга бериб юбораётган оналар, тезроқ орзу-хавас кўришга шошилётган фарзандларига тўғри йўл кўрсата билмаётган биз каби бувилар сабабчи деб ўйлайман.
Яқинда уйимга катта кизим меҳмон бўлиб келди. Бир оз ўтиргач, "Бувижониси, неварангиз Севара ҳам катта катта киз бўлиб қолибди. Яхши оиладан совчилар келишди. "Кизингиз ўғлимизга ёкиб қолибди. Агар хўп десангиз унаштириб кўямиз. Коллежини битиргач, тўй қиламиз", дейишяпти. Куёвингиз билан маслаҳатлашсам, яхши одамлар бўлса, бериб юбора қолайлик, дедилар. Сиз нима дейсиз, деган фикрда олдингизга келган эдим", деб қолди.
— Ахир Севаринг энди ўн еттига кирди-ку! — дедим жажлимни босишга ҳаракат қилиб. Сўнг:

Фикр

ХАР ҚАНДАЙ ЖАМИЯТНИНГ МАРКАЗИ ВА БЕЗАГИ ОИЛАДИР. ОИЛАНИНГ ҚУВОНЧИ ЭСА ФАРЗАНДЛАР БИЛАН ТҮКИС.

Амос Бронсон Олкот

— Ўзинг неча ёшда турмушга чиққан эдинг? — дедим ўсмоқчилаб.
— Йигирма иккида, — деди кизим гап қайси томонга кетаётганини тушуна олмай.
— Балли, — дедим гапимни давом эттириб, — мактабдан сўнг олийгоҳни битириб, дипломингни олгач, турмушга бердим. Шунда ҳам янги оилага кўниқишга, рўзвор тебратишга қанча қийналдинг. Нима, ҳаммаси эсингдан чиқиб кетди? Қизинг хали она сути оғзидан неваранг гўдак-ку! Турмушни бежизга муштга ўхшатмайдилар. Қизинг турмуш қийинчиликлари чидай оладими? Хўп, чидади ҳам дейлик. Эртага фарзандлари туғилади. Бўлажак куёвинг ҳеч қаерда ўқимаган бўлса, қандай қилиб оила тебратади. Ота-онасини боғлаб бермаган-ку, ахир!
Менинг асосли гапларимни эшитиб, кизим ўйга толганича жим қолди. "Жон кизим, ўйлаб иш қилгин, дедим унга. — Оила қуриш хою хавас эмас. У ўта масъулиятли вазифа. Айниска, киз бола учун у умр савдоси. Сен она

сифатида кизингнинг бахти, иқболи, келажаги учун масъулсан. Ҳозир сенинг адашишинг, шошма-шошарликка йўл қўйишинг мумкин эмас. Қизинг коллежини бемалол битирсин. Унинг билими яхши. Олий ўқув юртига ўқишга қира олишига ишонаман. Ўқисин, бирор керакли соҳанинг яхши мутахассиси бўлсин. Сен эса оила юритиш, рўзвор тебратишнинг сирасорларини ўргат. Шунда қаерга келин бўлиб борса ҳам қийналмайди. Болангнинг тинчлиги — сенинг бахтинг эканлигини унутма".
Қизимнинг очик ва хотиржам чехрасини кўриб, менинг ҳам кўнглим таскин топди. "Хайрият, — дедим ичимда. — Қизимни тўғри йўлга сола билдим. Энди адашмайди".
Ҳурматли бувижонлар! Азиз ота-оналар! Фарзандларимиз бизнинг эртанги кунимиз, келажагимиз эгаларидир. Шундай экан, улар одоб-ахлоқига, айниқса, эртага бирор хонадоннинг бекасига айланадиган, фарзанд ўстириб, эл хизматида кўшадиган бўлажак оналар-қизларимиз тарбиясига бефарқ бўлмайлик. Шундагина турмушимиз янада обод, ҳаётимиз фаровон бўлаверади.

Дилором РАҲИМОВА,
факрий муаллима

Ватаним гулзор



Ватан гулзор бўлса, меҳнатим гулим, Юртим осмондир мусаффо, сўлим. Овозим борича куйлай таърифинг, Ободлигинг учун узатай қўлим.

Далаларинг элга кўз-кўз қил Ватан, Бободехқон кетмони жон ато этган. Олимларинг илми дунёга машхур, Спортчилар донғи оламга кетган.

Барчасига бирдек йўл очдинг Ватан, Хар бир ғалабага бола каби шод Юртбошим дуога қўл очиб дерлар: Омонлик бўлсин урт бўлсин обод.

Матлуба НАСРИДДИНОВА,
"ТШПТ" филиали ходими

BU — QIZIQ!

Китоб дўконига боринг

Америкалик ёзувчи Стивен Кинг ўзининг янги "Joylend" романини электрон шаклда нашр этмасликка қарор қилди. Ёзувчи шу тахлит китобнинг босма шаклига эътибор қаратмоқчи. "Рақамли талқинини чиқариш режамда йўқ. Балки кейинчалик чиқарарман", — деган Кинг ва муҳлисларига виртуал эмас, балки ҳақиқий китоб дўконига таширф буюришни таклиф қилган.
Маълумки, ҳозир кўпгина китоб дўконлари ўзларининг китобларга катта чегирмалар жорий қилаётган рақиблари ва арзон электрон китобларни сотаётган интернет сайтлар билан рақобатлашишга қодир эмас.
"Joylend" асаридати воқеалар Шимолий Каролинадаги кўнглоочар боғда юз беради. Роман тўртинчи июнда сотувга чиқди.

Шовқинга қарши қурилма

Мунтазам шовқин-суронли жойда ишлаш инсон руҳий ҳолатига кучли салбий таъсир кўрсатиши билан бирга, меҳнат унумдорлигининг пасайишига ҳам олиб келади. Бу борада тадқиқот ўтказган исроиллик мутахассислар муаммони бартараф этишга хизмат қилувчи технология яратишди. Saylentum компанияси томонидан тақлиф этилаётган қурилма шовқинни 10 децибелга пасайтириш имконини беради. Ундан кучли овоз чиқарувчи ускуналарга эга корхоналарда, йирик хаво алмаштириш тизими мавжуд рестороанлар ошхонасида ёки шу каби бошқа объектларда фойдаланиш мумкин. Колаверса, макур технология аэропорт яқинида истиқомат қилувчиларнинг ҳам жонига оро қиради.

У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

<p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КУЧИМОВ</p>		<p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Хуршид МИРЗАХИДОВ (Хайрат раиса), Махсум МАҲМУДОВ, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Сулей НАЖБИДДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Наширимиздан кўчириб босилганда "Xabar" дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўғриликлиги тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-ў.</p> <p>Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.</p>	
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақам билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>		<p>Газета ҳафтанинг жума кунини чиқади</p> <p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буёқ Турон" кўчаси, 41-уй.</p>		<p>G-652 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қўроғ бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 15415 нусаха.</p>	
<p>Вилоят муҳбирлари:</p> <p>Андижонда 226-47-80</p> <p>Бухорода 223-27-85</p> <p>Гулистонда 40-12-19</p> <p>Жиззахда 226-06-34</p> <p>Навойда 225-91-10</p> <p>Наманганда 232-97-86</p> <p>Нукусда 554-35-45</p> <p>Самарқандда 233-61-81</p> <p>Термизда 224-06-12</p> <p>Тошкентда 288-40-66</p> <p>Урганчда 226-37-16</p> <p>Фарғонада 224-18-05</p> <p>Қаршида 931-08-99</p>		<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>			